RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ УЧУН!

# POSTDA



O'zbekiston Respublikasi IIV nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan • E-mail:urmvd@inbox.uz • 2010-yil 27-noyabr, shanba • №48(3889)

## Ватан хизматига шайдир сержантлар

**Республика ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари битирувчилари ҳам ўз салоҳияти, ақлу заковати билан турли соҳавий хизматларда атрофдагиларнинг ишончини, эътирофини қозониб келмоқда. Бунинг боиси, уларни тайёрлаётган ўқитувчиларнинг юқори малакага эга эканлигидадир. Қолаверса, жаҳон андозаларига мос равишда ўқув анжомлари билан таъминланган синф хоналари ва барча ўқув адабиётларига, услубий қўлланмаларга эга бой кутубхонанинг мунтазам фаолият кўрсатиши ҳам бўлажак сержантларнинг дунёқарашини, билимини янада бойитишга ҳисса қўшяпти.**

***Шердил ва ўтюрак йигитлар миллат кўрки, Ватан фахридир.***
**Ислом КАРИМОВ.**



# ЮЗДА ЁЛҚИН, ЮРАКДА ЎТИ БОРЛАР

Бугун ана шу муҳташам, кўпчилик учун азиз бўлган даргоҳда анъанавий тантана, шодиёна. Боиси, яна бир гуруҳ курсантлар таҳсилни тамомлаб, элу юрт осойишталигини таъминлаш учун мустақил хизматга йўлланма оляптилар. Тантана бошланишини интиқлик билан кутаётганлар орасида нуроний отахону онахонларнинг борлиги тадбирга ўзгача файз бағишлаб тургандек. Меҳрибон қуёш ҳам гўё бу тантанага ўз ҳиссасини қўшмоқчидек заминимизни ўз нурлари билан сийлай бошлади. Сафда турган йигит-қизларнинг мағрур қадди, теран нигоҳлари сизга авлодлари комиллиги учун қайғураётган осойишта юртга муносиб фарзанд бўлиш ҳақида сўзлаётгандек. Аслида ҳам ҳозир қайси бир битирувчи ёки тингловчи билан суҳбатлашманг, дилингиз ёруғ ҳисларга тўлиб кетади, уларнинг фикрлаши, дунёқарашига ҳавас қиласиз.

Юракларни сururга, ғурурга тўлдириб оркестр наволари янграй бошлади. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов бошчилигида вазирлик раҳбарияти, ИИВ фахрийлари, Академия раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари минбарга кўтарилдилар. Ҳаётнинг залворли юкини елкасига кўтариб, она-Ватан учун хизмат қилаётган бу инсонларнинг-да юзида ёшларнинг келажагига бўлган





ишонч, умид балқиб турарди. Олий курслар бошлиғи, полковник С. Тангирбердиев Ички ишлар вазирига йиғилганлар тантаналар бошланишига тайёрлигини билдирди. Шундан сўнг битирувчиларга тантанали равишда дипломлар топширила бошланди.

Шаҳдам қадамлар билан келиб диплом олаётган ҳар бир битирувчига азиз бўлиб қолган бу даргоҳ билан хайрлашиш оғир кечаётган бўлиши аниқ. Зеро, бир неча ой давомида меҳрибон мураббийлардан соҳа сир-асрорларини ўрганишди, машқ майдонида амалий машғулотлар чоғида жанговар тайёргарликларини оширишди. Илмий, ҳуқуқий, бадиий китобларга лиқ тўла кутубхона кези келганда уларга сирдош бўлди. Онасини соғинганда, бувисини кўришни истаганида, жажжи фарзандларининг кулгусини эшитгиси келганда шу китоблар, шу нурхона уларни мақсади сари интилишга кўмаклашди, соғинчни енгишга ёрдамлашди. Мана, энди кечаги машаққатлар ширин хотирага айланди. Энди қаерда бўлмасин, ҳар бир битирувчи албатта ўша дамларни энтикиш билан эслайди. Таҳсил давомида олган билимларини амалиётда моҳирона қўллайди. Уларга бугун оқ йўл тилаётган устозларининг ишончини оқлашга ҳаракат қилишади.

**Давоми 2-бетда.**

## Парламент ҳаёти

**Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисида жорий йилнинг 12 ноябрь куни қилган маърузасида демократик ўзгаришлар янада чуқурлаштирилиши лозим бўлган асосий йўналишларни ва бу борадаги энг муҳим устувор вазифаларни белгилаб берган эди. Парламентнинг Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг шу йил 22 ноябрида бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилиши ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги устувор, долзарб вазифаларга бағишланди.**

# ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари И. Саифназаров, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А. Жўрабоев, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси А. Хўжаев, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг ўринбосари А. Хўжаев, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А. Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамият ҳаётининг барча жабҳаларини изчиллик билан ислоҳ этиш, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш жараёнида оммавий ахборот воситаларини жадал равнақ топтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.



Сўзга чиққанлар ахборот олиш эркинлигини мустаҳкамлаш, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш бўйича ролини кучайтиришга қаратилган самарали механизмлар яратиш муҳимлиги хусусида гапирдилар. Йиғилишда тўғри таъкидланганидек, журналистик суриштирувлар, таҳлилий, танқидий материаллар юзасидан тегишли идоралар томонидан назорат-текширув тадбирларининг ўтказилиши бунда муҳим омил бўларди. Хусусан, журналистларнинг ахборот олиш юзасидан қилган мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш зарурлиги қайта-қайта қайд этилди. Зеро, бугунги шиддаткор замонда маълумотлар тезда аҳолига етказилмаса, ўз аҳамиятини, долзарблигини йўқотади. Шу муносабати билан «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурати етилгани айтилди.

Йиғилиш қатнашчилари Юртбошимиз таклиф этган «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»-ги, «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонунларнинг аҳамияти хусусида ҳам ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Шу асnода ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий қилиш хусусиятлари, зарурати борасида ҳам фикр юритилди.

Ахборот коммуникациялари мисли кўрилмаган даражада тараққий топиб бораётган ҳозирги даврда «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонунлар нақадар зарурлиги эътироф этилди. Парламентнинг қуйи палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари вакиллари ҳам кун тартибидаги масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарларини баён этдилар. Тадбир иштирокчилари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, илгари сурилган таклифлар қўмитанинг ҳаракат дастурини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши қайд этилди.

Кенгайтирилган йиғилишда депутатлар, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш, Матбуот ва ахборот агентликлари, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, марказий босма нашрлар раҳбар-ходимлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этишди.

Шу куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг ҳам йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги биносида ўтказилган ушбу сайёр йиғилиш «Стандартлаштиришнинг маҳсулот сифатини ҳамда рақобатбардошлигини оширишдаги роли: тажриба, ютуқлар ва муаммолар» мавзусига бағишланди.

Маърузачилар 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси устида тўхталар эканлар, бу борада эришилган ютуқлар билан бир қаторда муайян камчиликлар ҳам борлигини қайд этдилар. Масалан, иқтисодиётнинг саноат тармоқлари ўрганилганда, стандартлаштиришга оид меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилмагани аниқланган. Айрим тармоқларда эса техник қўмиталар ташкил этилмагани аён бўлган. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан қурилиш соҳасига оид амалда бўлган стандартларни халқаро меъёр ва талаблар билан уйғунлаштиришга етарлича эътибор берилмаган. Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирликларида ҳам тегишли техник қўмиталар тузилмаган. Унда мавжуд камчиликларни бартараф этиш, соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, ислоҳотлар самарадорлигини ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирликлар, давлат бошқарув идоралари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, қўмитанинг жамоатчилик экспертлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашишди. Қўмита кун тартибидаги масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди. Ушбу қарорнинг бажарилиши, стандартлаштириш жараёнининг халқаро меъёрлар ва талабларга уйғун ҳолда ривожланиши мамлакатимизда ишлаб чиқилаётган маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлиги ошишида муҳим омил бўлиши аниқ.

**Бобомурод ТОШЕВ.**

МИННАТДОРЛИК

## ФИДОЙИ ХОДИМЛАРГА РАҲМАТ!

***Умримнинг айни навқирон даврини ёшларга сабоқ беришга бағишладим. Ҳозир ёшим етмиш иккида. Шу йил 19 октябрь куни номаълум шахслар олти миллион сўм пулимни ўғирлаб кетишди. Бу ҳақда дарҳол Касби тумани ички ишлар бўлимига хабар бердим.***

***Ички ишлар ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирлар туфайли ўғри уч кун ичида қўлга олиниб, пулим ўзимга қайтарилди. Менга кўрсатилган эътибор учун туман ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ тезкор вакили, майор А. Сафаров, профилактика инспектори, капитан Х. Ҳазратқулов ва навбатчилик қисми катта навбатчи инспектори, майор А. Шоназаровларга оиламиз номидан самимий миннатдорлик билдираман. Илоҳим, бу фидойи ходимларнинг тан-жонлари соғ бўлсин. Уларнинг машаққатли ва шарафли хизматларида ҳамиша омад ёр бўлсин!***

**М. КАМОЛОВ.**
*Қашқадарё вилояти.*

# ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ: ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ ВА ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизими демократик асосда шакллантирилди, жиноий-ҳуқуқий соҳа либераллаштирилди.**

2001 йил 29 августда қабул қилинган "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун асосида ярашув институти жорий этилгани инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан бир қаторда қонунчиликни мустаҳкамлашда ҳам муҳим омил бўлаётир.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, ярашув институтининг жорий этилиши натижасида ўтган давр мобайнида 100 минг нафарга яқин фуқаро жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Пойтахтимизда "Ярашув институтининг жиноят ҳуқуқида қўлланилиши: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт" мавзуида ташкил этилган халқаро анжуманда шу ҳақда гап борди. Унда Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари масъул ходимлари,




судьялар, адвокатлар ҳамда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистондан вакиллар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев мамлакатимизда ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, хусусан, жиноят қонунчилигини фуқаролар манфаатига мослаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани ўз самараларини бераётганини таъкидлади. Халқимиз табиатига мос кечиримлилик, бағрикенглик тамойиллари миллий қонунчилигимизда акс эттирилгани, хусусан, ярашув институти жорий этилгани жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, судланганлик ҳолатини камайтириш, жиноий жавобгарликдан озод қилиш принциплари кўпроқ қўлланилиши учун имконият яратди.

– Ўзбекистонда демократик ислоҳотлар йилдан-йилга чуқурлашиб, чуқур маъно-мазмун касб этаётир, – дейди Европа Уйи координатори Пьер-Поль Антуниссенс. – Айниқса, суд-ҳуқуқ соҳасида улкан ишлар амалга оширилди. Эътиборлиси, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрлари, илғор анъаналари минтақада биринчилардан бўлиб қонунчиликка, амалиётга татбиқ этилиб, самарали натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистоннинг бу борадаги илғор тажрибасидан бошқа давлатлар ўрнак олса арзийди. Амалда шундай бўляпти ҳам. Мисол учун ярашув институтининг инсон ҳуқуқларини ҳимоялашдаги адолатли тамойиллари Ўзбекистондан кейин Россия, Қозоғистон ва бошқа давлатлар қонунчилигида ҳам акс эттирилди. Ушбу йўналишда биз Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйганимиздан мамнунмиз. Шу ўринда Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида одил судловни такомиллаштиришга оид таклифлари халқаро миқёсда катта қизиқиш ва хайрихоҳлик билан кутиб олинганини алоҳида таъкидламоқчиман. Ўзбекистон суд-ҳуқуқ соҳасидаги бу янги босқични биз қўллаб-қувватлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази, Венеция Комиссияси ва Европа Уйи ҳамкорлигида ташкил этилган конференцияда ярашув институтининг ҳозирги ҳолати, томонларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг юридик жиҳатлари ҳамда мазкур институтни такомиллаштиришнинг истиқболлари хусусидаги маърузалар тингланди. Иштирокчилар ярашув институтининг қўлланилиши бўйича ўзаро тажриба алмашиш, шунингдек, ярашув таомилини янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

## Юксак мукофот соҳиблари

# СУРХОНДАРЁЛИК САХИЙҚАЛБ СЕРЖАНТ

**Ҳозирги кунда елкасида сержант унвони ярқираб турган Акбар Вафоевнинг касб танлаши ёшлик давридаги бир воқеа билан боғлиқ: мактабда ўқиб юрган кезлари кўчада болалардан ноўрин калтак еган синфдоши сабаб бўлди. Чунки яқин ўртада турган ички ишлар ходими ўртоғининг айбсизлигини билиб, унинг ёнини олди. Безорилик қилган болаларни тўхтатиб, дўстидан кечирим сўраттирди. Шу сабаб бўлди-ю, Акбарнинг қалбида ички ишлар соҳасига меҳр уйғонди.**

Ўша воқеадан сўнг аксарият болалар ички ишлар идоралари ходимини кўрганда улардан ҳайиқиб, қандайдир қўрқувга тушар, ўзларини четга оларди. У эса аксинча, ходимларнинг ёнига бориб, саломлашар, ҳар хил саволларга тутарди.

Жамоат тартибини сақлаётган соҳа вакилларига меҳри тобланиб, тезроқ вояга етиб шу касбни эгаллашга ошиқарди. Унинг орзуси мактабни битирганидан сўнг ҳарбий хизматни ўташдан бошланди. Хизматни ўташ даврида жамоат тартибини сақлаш сир-асрорини ўрганди.

Сўнг орзусини амалга ошириш учун Сурхондарё вилояти ички ишлар идораларига ишга киришни ният қилиб ҳужжатларини топширди. Синовлардан ўтиб, вилоят ИИБ махсус отрядида хизматни бошлади.

Уч йилдирки, сержант Акбар Вафоев бошқарма ППХ ва ЖТСБ Патруль-пост хизмати батальони 1-отряди гуруҳ командири лавозимида бурчини ўтамоқда. Унинг беминнат хизматлари, касбига содиқлиги, меҳнатсеварлиги Ички ишлар идоралари ходимларининг касб байрами арафасида давлатимиз томонидан юксак баҳоланиб, «Шуҳрат» медалига муносиб кўрилди.



Эл хизматини сидқидилдан бажариш, баъзи бир нопок кимсалар томонидан азият чеккан кишиларнинг муаммосини ҳал қилишга одиллик билан ёндашмоқликни таъкидларкан, Акбаржон фаолияти жараёнида дуч келган воқеалардан бирини сўзлаб берди: «Ўшанда Термиз шаҳри кўчаларида тунги хизматни ўтаб юрганимизда, шаҳар ИИБ навбатчилик қисми томонидан рация орқали номаълум шахс Зиёкор кўчасидаги хусусий дўконнинг эшигини бузиш йўли билан турли маҳсулотларни ўғирлаб кетганлиги ҳақидаги хабар етказилди. Дўкон ичига кирганимизда унинг эшиги очиқ, расталардаги маҳсулотлар сочилиб ётган экан. Фурсатни бой бермаслик учун тезда кўчага чиқдик. Ўғирланган айрим маҳсулотлар ерга тушиб қолган экан. Афтидан жиноятчи шошилган бўлса керак. Ўша из ортидан юрдик. Бироздан сўнг жиноят ортидан қолдирилган излар ниҳоясига етди. Олдимизда тўрт томонга қараб йўл кетган, қай томонга юриш керак, қай бири бизни жиноятчилар билан юзлаштиради? Таваккал қилиб, қўшни Термиз тумани билан шаҳар чегарасида жойлашган қишлоқ томонга олиб борувчи кўчага кирдик. Адашмаган эканмиз. Уйлар тугаган жойда бир шарпа кўприкнинг тагида нималарнидир яшираётганлигини кўриб қолдим. Жиноятчи У. Турди экан». Қисқаси, бундай ҳолатларга хизмат бурчини ўташ жараёнида тез-тез дуч келиб туришини таъкидлайди сержант А. Вафоев.

Бир сўз билан айтганда, эл осойишталиги йўлида ўзининг куч-ғайратини аямасдан беминнат хизмат қилиб келаётган ходимлар Сурхондарё вилояти ИИБда жуда кўп. Сержант А. Вафоев ҳам уларнинг биридир. Тинчликни сақлаш йўлидаги эзгу ишларда у ҳамиша ҳамкасбларига намуна бўлаётгани айниқса диққатга сазовордир.

**Фарҳод ТОШБОЕВ,**
**катта сержант.**
*Сурхондарё вилояти.*

## «ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ»



# ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР

**Мамлакатимиз халқ хўжалиги ривожида унинг иқтисодий захираларини ёнғин офатларидан муҳофаза қилиш, моддий-маънавий бойликлар хавфсизлигини таъминлаш муҳим ўрин тутади. Бошқача айтганда, барча масканлар ва ҳудудларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг тўла таъминланиши бугунги ва эртанги тараққиётимизга катта замин ҳозирлайди. Кейинги йилларда давлат миқёсида ўтказиб келинаётган «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» тадбири ана шу мақсадга йўналтирилган. Бу тадбирни ўтказиш айниқса, аҳоли турар жойларида муҳим аҳамият касб этаяпти.**

Дастлабки ўн кунликда амалга оширилган ишларга назар ташласак, мазкур ойлик халқ хўжалиги, фуқаролар турмуш тарзида нақадар катта ўрин тутганлигини кўриш мумкин. Ўтган давр мобайнида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар салмоқли рақамларни ташкил этди. Ўн кун ичида 9 мингдан ортиқ корхона, хўжалик ва ташкилотларнинг ёнғинга қарши ҳолати мониторинг тариқасида ўрганиб чиқилди. Текширишлар давомида 280 минг нафардан ортиқ ишчи-хизматчилар билан учрашув ҳамда суҳбатлар уюштирилди, жойларда 8188 та ёнғин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилди.



Ўтказилаётган профилактик тадбирлар жараёнида корхона ва ташкилотларда 80 мингтага яқин ёнғинга қарши камчиликлар аниқланиб, уларнинг 82 фоизи бартараф этилди. Ёнғин хавфсизлиги қоида талабларини бузаётган раҳбар ва жавобгар шахсларга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилди.

Бугунги кунда ҳокимликлар ва ташкилотларда ўн кунлик якун бўйича ўтказилган йиғилишларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашга масъулиятсизлик билан ёндашган 60 нафар раҳбар ва жавобгар шахслар интизомий жазога тортилди. Жумладан, Тошкент шаҳрининг Сирғали тумани ҳокимлигида ўтказилган йиғилишда иккита ўрта мактаб раҳбари, оилавий шифохона бош шифокори, бир нечта маҳалла оқсоқоли ва бошқаларга ҳайфсан берилди.

Халқ хўжалигининг муҳим бўғини ҳисобланган ўта муҳим ҳамда алоҳида тоифаланган масканларда ёнғинларнинг олдини олиш долзарб вазифалардан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Ходимлар ана шу вазифани бенуқсон бажариб, масканлар хавфсизлигини талаб даражасида таъминлаш йўлида бор куч ва имкониятларни ишга солиб келишмоқда. «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»нинг ўн кунлиги мобайнида шу жараён яққол кўзга ташланиб турди. Жойлардаги ёнғин хавфсизлиги қисмлари томонидан қўриқланаётган ўта муҳим ва тоифаланган масканларда текширувлар, ишчи-хизматчилар билан учрашувлар ташкил этилди. Мазкур тадбирлар пайтида амалий йўриқномалар берилиб, ёнғинларга сабаб бўлувчи омиллар ва уларни бартараф этиш чоралари тушунтириб борилди.

Кейинги пайтда содир бўлган ёнғинларнинг асосий қисми аҳоли турар жойларига тўғри келаётгани сабабли «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» иш режасида фуқароларнинг уй-жойларини ёнғин офатларидан муҳофаза этишни кучайтириш мақсадида маҳаллалар, қишлоқ фуқаролик йиғинларида учрашув ва суҳбатлар ташкил этиш, хонадонларда ёнғинларга олиб келувчи омилларни бартараф этиш вазифалари ҳам кўзда тутилган. Шунга кўра ўтган вақт ичида республикамиздаги 593 мингга яқин аҳоли турар жойлари, 7 мингдан ортиқ кўп қаватли уйларнинг ёнғинга қарши ҳолати, улардаги минглаб чордоқ ва ертўлалар текшириб чиқилди. Ёнғинга олиб келувчи ҳолатлар юзасидан тегишли чоралар кўрилди. Маҳалла гузарларида 4800 дан ортиқ, уй-жой мулкдорлари ширкатларида уч мингтадан зиёд ёнғин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилди. Шунингдек, ёнғинларнинг олдини олиш ва ёнғин хавфидан хабардор қилувчи плакатлар, эслатмалар тайёрланиб, жойларга тарқатилди. Ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида аҳоли турар жойларида ёнғинлар содир бўлиши кескин камайди.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш нафақат ишлаб чиқариш тармоқлари ёки аҳоли турар жойлари, балки ўқув ва бошланғич таълим муассасалари учун ҳам катта аҳамиятга эга. Шунга кўра ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ойликнинг биринчи ўн кунлигида ўрта мактаблар, мактабгача тарбия ва даволаш муассасаларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга бағишланган бир қанча тадбирлар ўтказишди. Шулардан бири мактабларда ёнғин хавфсизлигига оид машқ ва машғулотларнинг ташкил этилгани болалар иштирокидаги ёнғинларнинг камайишига олиб келди.

Фуқароларнинг кузги-қишки мавсумда иситиш мосламаларидан тўғри фойдаланиши, уларнинг носозлигини аниқлаш ва содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида маҳаллий газ ва электр таъминоти вакиллари билан ҳамкорликда маҳаллалардаги барча газ тақсимлаш пунктлари, трансформатор подстанциялари ва хонадонлардаги иситиш тизимлари текширилиб, ёнғинга қарши йўриқномалар ўтказиб келинмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, ўтган биринчи ўн кунлик соҳа ходимлари олдидаги дастлабки вазифаларнинг бажарилиш даври бўлди. Олиб борилган профилактик тадбирлар натижасида ёнғин хавфсизлиги ойлиги давомида содир бўлган ёнғинлар 235 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 58,9 фоиз, инсонларнинг куйиш тан жароҳати олиши 76,7 фоиз, ҳалок бўлиш ҳолати эса 12,5 фоиз камайишига эришилди.

Мавсум давом этмоқда. Ишончимиз комилки, «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» даврида бу борада кўплаб ижобий натижалар қўлга киритилади.

**Равшан ЖЎРАЕВ,**
**ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник.**

**Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 15 ноябрдан 15 декабргача мамлакатимизда «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»ни ўтказиш тўғрисидаги фармойишида иқтисодиёт тармоқлари ва тоифаланган объектларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, профилактик тадбирларни кучайтириш вазифалари қўйилган эди. Ана шу талаблардан келиб чиқиб, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясида «Электростанциялар ва подстанцияларнинг ёнғинга қарши ҳимоясини таъминлаш борасидаги долзарб муаммолар» мавзусида семинар-йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ раҳбарлари, мутахассислари, тоифаланган объектларни ёнғиндан муҳофаза қилувчи ёнғин хавфсизлиги отрядлари ва қисмлари бошлиқлари, мутахассислари, муҳандислари, «Ўзбекэнерго» ДАК раҳбарлари, компаниянинг вилоятлардаги бўлим бошлиқлари, мутахассислари, мутасаддилари иштирок этди.**



# ФИКРЛАШИБ ОЛИНДИ

Тадбирни «Ўзбекэнерго» ДАК раисининг биринчи ўринбосари Б. Абдураҳмонов кириш сўзи билан очди. Республика ИИВ ЁХББ бошлиғи ўринбосари, майор А. Икромов, бўлим бошлиғи, майор М. Мусахожиев ва бошқалар кун тартибидаги масала юзасидан маъруза қилдилар. Нотиқлар электростанциялар, подстанциялар ва иссиқлик тармоқларининг кузги-қишки мавсумга тайёрлиги, айниқса, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишларга атрофлича тўхталиб, мавжуд камчиликларни тугатиш юзасидан ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашишди. Шунингдек, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳал этилиши лозим бўлган долзарб масалалар юзасидан савол-жавоблар бўлди.



Семинар-кенгашда ёнғинга қарши автоматик тизимлар, махсус ёнғин ўчириш автомашиналари намойиш этилди. «Крилак ассоциацияси» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Қурилиш технологиялари» савдо-саноат корхонаси ва «Max Luxe servis» масъулияти чекланган жамияти томонидан ёнғин ўчириш асбоб-ускуналари, ўтга чидамли қурилиш, бинокорлик материаллари ҳамда ашёлари кўргазмаси ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник И. Юлдашев иштирок этди ва сўзга чиқди.

**Ўз мухбиримиз.**

**Суратда:** *семинар-йиғилишдан лавҳалар.*

**Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.**

# СИГАРЕТА ... ЁНҒИН САБАБЧИСИ

**Статистик маълумотларда қайд этилишича, содир бўлаётган ёнгинларнинг 35 фоизга яқини оловдан фойдаланишдаги эҳтиётсизлик натижасида рўй беради. Бунга сигарета чекишдан келиб чиққан ёнғинлар ҳам киради. Чекувчи сигарета тутатиб ўзининг соғлиғига зарар етказишидан ташқари, яна аянчли ҳолатлар содир бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. Четдан кузатиб турсангиз айрим кишилар жаҳл устидами, шошганиданми ёқилган гугурт донаси ёки сигарета қолдиғини турли жойларга ташлаб кетишади. Яна баъзилари эса болалар бор жойда гугурт, ёндиргич ва сигареталарни қолдиришади. Турган гап, қизиқувчан болалар уларни ўйнаб, ёқиб, ҳатто чекиб ҳам кўрадилар. Бунинг оқибатини изоҳламаса ҳам бўлади, албатта.**

Энг хавфлиси ўринда ётиб чекиш. Айниқса, маст ҳолда чекиб ётиб, ухлаб қолиш оқибатида содир бўлган ёнғинлар аянчли оқибатларга олиб келади. Ўрин ёки полга тушган сигарета ўрин-кўрпаларни ёндириб, бошқа жиҳозларга ўтади. Бундай ҳолатлар кўпинча ўлим билан тугайди.

Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи П. Григорьевнинг хонадонида ёнғин бўлаётгани ҳақида хабар тушади. Тезкор ҳаракатлар билан ёнғин ўчирувчилар воқеа жойига етиб бориб, хонага киришганда диванда ҳушсиз ҳолда ётган уй эгасини кўришади. Унга дарҳол биринчи ёрдам кўрсатилиб, ҳаёти сақлаб қолинади ва касалхонага юборилади.

Баъзан автомобилларда рўй берган ёнғинга ҳам сигарета сабабчи бўлаётганини айтиб ўтиш жоиз. Айрим ҳайдовчилар сигарета чекиб туриб машинанинг ёқилғиси ёки мойини текшириб кўришади. Сигарета чўғи машинанинг мотор қисмига тушиб, ёнғин юз беради.

Кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ўзимизга боғлиқ, албатта. Бунинг учун оловдан фойдаланишда, сигарета чекаётганда доимо ҳушёр бўлиш лозим.

**Абдумутал АВАЗОВ,**
**Дилмурод САМАРИДДИНОВ,**
**капитанлар.**



# ОЛОВ – ТИЛСИЗ ЁВ

**Одатдагидек, бу йилғи «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»да аҳоли, айниқса, болаларга ушбу ўтказилаётган тадбирнинг аҳамияти ҳақида тушунча бериш, ёнғиннинг олдини олишга жамоатчиликни кенг жалб этишга эътибор бераяпмиз.**

Маълумки, иситиш печидан фойдаланишнинг ўз қоидалари бор. Айрим фуқаролар унинг созлигини текширмаслиги, қўлбола газ ва электр иситиш мосламаларини ўзбошимчалик билан, резина ичак орқали улаб ишлатиши оқибатида ёнғинлар содир бўлади. Ўтказилган текширувлар давомида Фориш туманидаги 35 та хонадонда табиий газ ноқонуний улаб олингани аниқланиб, тармоқдан узиб ташланди. Жиззах тумани газ идораси ходимлари билан ўтказилган рейд давомида ҳужжатларсиз ва резина ичак орқали табиий газ олиб кирилган 27 та хонадон аниқланиб, тегишли чора кўрилди.

Фориш тумани Янгиқишлоқ шаҳарчаси Мустақиллик кўчасида яшовчи У. Искандар уйи ёнидан ўтган газ қувуридан қўшни томонга ер остидан лойиҳасиз, полиэтилен қувур ўтказади. Қувур ёрилиб, пойдевор орқали уйга газ тўпланиб қолади. Чироқни ёқиши натижасида хонада чақнаш содир бўлиб, уй эгаси тан жароҳати олади ва оламдан ўтади.

Жиззах туманидаги «Зиёкор» қишлоқ фуқаролар йиғини Ш. Бобоев кўчасида яшовчи Д. Ихтиёр уйига Эронда ишлаб чиқарилган печни нотўғри ўрнатади. Бунинг устига мўриси нобоп қурилгани сабабли чиққан газ исидан хонадондаги бир неча киши заҳарланади.

Таҳлиллар ёнғинларнинг қарийб 70-80 фоизи иситиш печларининг носозлиги туфайли содир бўлаётганини кўрсатаяпти. 2010 йилнинг ўтган даврида вилоятнинг халқ хўжалиги масканлари ва аҳоли турар жойларида 400 та ёнғин рўй бериб, офатлар натижасида давлат ва фуқароларга 180 миллион сўмлик моддий зарар етказилган, тўрт киши ҳалок бўлиб, 20 нафари куйиш тан жароҳати олган.

Ойлик давомида қилинадиган ишлар режасига мувофиқ ходимларимиз вилоятдаги ҳар бир хонадонда бўлиб, хавфсизлик қоидаларига риоя этилишини текширувдан ўтказмоқдалар. Профилактик тадбирлар бошқа хизмат ходимлари билан ҳамкорликда олиб борилаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Фуқароларнинг газ ва электр асбобларидан фойдаланишида аниқланаётган камчиликлар бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда. Уларга маслаҳат бериб, ёнғинларнинг олдини олиш борасидаги амалий ишларга кўмаклашилмоқда.

Айни кунларда аҳоли турар жойлари, корхона, муассаса ва ташкилотларда ҳар бир киши ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши ва келиб чиқиши мумкин бўлган кўнгилсизликларнинг олдини олиш учун тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилаяпти.

**Фазлиддин РАХМОНҚУЛОВ,**
**капитан.**
*Жиззах вилояти.*

# ҲАММАСИ ҲУШЁРЛИГИМИЗГА БОҒЛИҚ

**Турмушимиз ва кундалик ҳаётимизни оловсиз тасаввур эта олмаймиз. У бизни совуқдан сақлайди, беминнат дастёримиздир. Аммо эҳтиётсизлик қилинса тилсиз ёвга айланиши ҳеч гап эмас. Шу боис ҳам аҳоли ўртасида оловдан тўғри фойдаланиш борасида ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.**

Айни пайтда республикамизда «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» давом этмоқда. Мазкур тадбирни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида Самарқанд вилояти ИИБ ва унинг қуйи тизимларида ҳам қатор чора-тадбирлар белгиланган. Эрта тонгда сирена овози билан махсус жиҳозланган автобус шаҳар, туман марказлари ҳамда кўчаларни айланиб, аҳолига ойликнинг мақсад ва моҳияти ҳақида тушунча бериб бормоқда. Соҳа ходимлари белгиланган режа асосида жойларда учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этишаяпти.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ҳар қанча тарғибот-ташвиқотлар олиб борилишига қарамай халқ хўжалиги масканлари, фуқаролар яшаш жойларида ёнғинлар содир бўлиб турибди. Жорий йилнинг 10 ойи давомида вилоятдаги корхона ва муассасаларнинг ёнғинга қарши ҳолати комплекс равишда текширилиб чиқилди. Натижалар бўйича беш минг нафардан ортиқ жавобгар шахс ва фуқароларга жарима солинди. Ёнғин чиқиш хавфи бўлган корхона, бино ва омборхоналар, носоз газ ва электр ускуналарнинг иши вақтинча тўхтатилди.

Кўриниб турибдики, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳали талайгина ишларни амалга оширишимиз зарур. Айниқса, аҳоли яшаш жойларида ёнғин ҳолатлари нисбатан кўп қайд этилаётгани кишини ташвишга солади. Доимий равишда амалга оширилаётган профилактик тадбирлар натижасида вилоятда жорий йилнинг ўтган даври давомида рўй берган ёнғинлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камайган бўлса-да, бу борадаги саъй-ҳаракатларни давом эттириш зарурлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Ойлик давомида ёнғин хавфсизлиги тарғибот гуруҳи томонидан Самарқанд шаҳридаги молия ва иқтисод, банк ва тиббиёт коллежларида замонавий ёнғин ўчириш техникаси намойиш этилди. Ўқувчи талабаларга бирламчи ёнғин ўчиргичлардан фойдаланиш, эҳтиёт чоралари ва оддий ёнғин хавфсизлиги қоида-талаблари ўргатилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар бир корхона, ташкилот, маҳалла ва ўқув муассасалари раҳбарлари диққат-эътиборли бўлиши инсонлар ҳаёти ҳамда мол-мулкини ёнғин балосидан асрашда муҳим аҳамият касб этади. Кўп нарса ҳушёрлигимизга боғлиқ эканлигини унутмайлик.

**А. ИРГАШЕВ,**
**Самарқанд вилояти ИИБ ЁХБ катта муҳандиси.**

ХИЗМАТЛАРДА

# ОДАМЛАР ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПИБ

**Хонадонига ўғри оралади, деб хабар берилган Зинаида Ивановнани профилактика инспектори яхши биларди. Воқеа жойини кўздан кечирмагунча бир тўхтамга келиш қийин. Шу боис у аёлнинг уйига йўл олди.**

– Эрталаб менга хабар қилмайсизми. Эшитиб жуда ҳайрон қолдим, – деди катта лейтенант Қувватбек Ҳосилбеков қисқа салом-аликдан сўнг. – Ким тинчингизни бузди? Шошмасдан, бир бошдан гапириб беринг-чи.

– Ярим кечаси айвончага чиққанимда кимдир лип этиб ўтгандек бўлди. Кейин бўйнимга кийим-кечаклар ёйилган ип келиб тушди. Азбаройи қўрққанимдан нафасим қайтиб, чўкка тушиб ўтириб олдим. Ўнта балиқ дудлаб, симга илиб қўйгандим. Улардан биттаси йўқлиги ва ҳовли томондан кириладиган эшикнинг очиқлигини кўриб, янада ҳайратландим, – деди Зинаида Ивановна.

Профилактика инспектори унга зимдан тикилар экан, юз ажинлари туташиб кетган ингичка бўйнида биронта жароҳат изини кўрмади. Кир ёйилган ип эса узоқ вақт қуёшда турганидан мўрт бўлиб қолган эди. Кирлар оғирлик қилгани унинг майда толаларга бўлиниб, узилиб тушганидан ҳам яққол билиниб турарди.

– Бу ерда биронта жиноят аломати сезилмаяпти. Агар кимдандир гумон-шубҳангиз бўлса тортинмай айтаверинг, биз албатта текшириб кўрамиз, – деди профилактика инспектори ён дафтарига нималарнидир қайд қилиб. Зинаида Ивановна узоқ вақт сукунатга чўмди.

– Янглишмасам, Комил уста жой савдосида сиздан икки ярим миллион сўм қарз бўлиб қолган экан. Эҳтимол шу пулни тўламаслик учун турли найранглар ўйлаб топаётгандир, – деди профилактика инспектори.

– Унга ўзим доялик қилганман, – деди Зинаида Ивановна. – Ота-онасини ҳам жуда яхши биламан. Шу боис уйни аллақачон унга расмийлаштириб берганман. Ёмон одам бўлганида мени аллақачон уйдан ҳайдаб соларди. Қачон хоҳласангиз шу вақт бўшатиб беринг, деди. Қизимнинг ишлари тугашини кутаяпман. Унгача Комилжон қарзини ҳам узади. У омонатга хиёнат қиладиган йигит эмас.

Катта лейтенант Қувватбек Ҳосилбеков аёл билан хайрлашиб кўчага чиқди. У кекса ўқитувчи Абдукарим отадан хабар олиш учун унинг хонадонига ташриф буюрди. Узоқ йиллар биология фанидан дарс берган отахон адабиётни ҳам жуда хуш кўрарди. Айниқса, меҳмонни қарши олганида севимли халқ шоири Эркин Воҳидовнинг: «Дўст билан обод уйинг, гар бўлса ул вайрона ҳам дўст қадам қўймас экан, вайронадир кошона ҳам» деган мисраларини меҳр билан айтиб ўтишни ҳеч канда қилмасди. Лекин бугун негадир хомуш эди. Қўли гул боғбон домланинг ўзи пайванд қилиб етиштирган турли хил мевали дарахтлари оғир юкларини кўтара олмай, маҳзун бош эгиб турарди.



Профилактика инспектори Абдукарим ота билан анча суҳбатлашиб ўтирди.

– Сизга энг тепадаги гилослардан териб тушдим. Бувамнинг айтишича қуёш нуридан кўп тўйинган мевалар мазали ва фойдали бўларкан, – деди профилактика инспекторининг олдига келган Баҳромжон салом берар экан.

– Буни қара-я, гилосларнинг рангига қараб тўймайсан киши. Катта лейтенант Қувватбек Ҳосилбеков шундай деб боланинг елкасига қоқиб қўйди.

– Болалар билан уришиб қолганимда рақибнинг кучлилигини сезсам дарров қочиб дарахтга чиқиб оламан. Мендан тўрт ёш катта бўлган Акром исмли бола мени тутишга кўзи етмай баҳс бойлашни таклиф қилди. Агар йўл четидаги дарахт орқали рус кампирнинг ҳовлисига ошиб ўтиб қайтиб чиқсам уяли телефонини беришини айтди. Бу менга чўт эмасди. Шу сабабли у айтган вақтда – қоронғи тушганда дарахт орқали кампирнинг ҳовлисига ошиб ўтиб, эшикдан қайтиб чиқдим, – деди бола мақтаниб.

**Профилактика**

Профилактика инспектори сергак тортди. Абдукарим домла ҳам бутун диққатини неварасига қаратди.

– Нима, гапимга ишонмаяпсизларми? Хоҳласангиз буни исботлаб беришим мумкин, – деди бола кулимсираб. – Келинг, музқаймоққа баҳслашамиз.

– Баҳсга ҳожат йўқ. Қанча музқаймоқ керак бўлса ўзим олиб бераман, – деди профилактика инспектори.

– Кеча биз Саттор дўкончига битта дудланган балиқ олиб боргандик, тўртта музқаймоқ берди.

– Тушунмадим, қанақа балиқ? – болаларга хос ўсмоқчиладилади профилактика инспектори.

– Рус кампирнинг ҳовлисида ерга тушиб ётган экан. Шуни олиб чиққан эдим, барибир мушук еб кетарди, – билағонлик қилди бола.

– Ҳа, ҳа, албатта, – деб катта лейтенант Қувватбек Ҳосилбеков енгил тин олди. У эртасига Аликуловларнинг хонадонига кириб борганида томорқада отасига ёрдамлашиб юрган Акром шалвираб ўтириб қолди.

– Қани ўғлим, милиционер амакинг билан саломлаш-чи. Худо хоҳласа эртага сен ҳам шу амакингга ўхшаб осойишталик посбони бўласан, – деб Маматқул ўғлини ёнига чақирди. Акром бошини кўтаришга ботинолмай базўр саломлашди.

– Нега хомушсан ёки телефонингни йўқотиб қўйганингга ачинаяпсанми? – дабдурустдан берилган саволдан бола эсанкираб қолди.

– Қўйинг, шу телефонни эсга солманг. Кечаси билан онаси ҳам роса уришди. Минг марта айтдим болага телефон олиб берма деб. Мана энди хотин ҳам бошини чангаллаб ўтирибди, – деди Маматқул жазавага тушиб.

– Телефон топилади, хотиржам бўлинг, фақат Акром кеча қаерда бўлганини рўй-рост гапириб берса бас, – деди профилактика инспектори болага тикилиб.

– Рус кампирникига боргандим, – минғирлади бола.

– Қачон?

– Кечаси.

– Ҳовлига қандай кирдинг?

– Баҳром ёрдамлашди.

– Шунинг учун унга телефонингни бердингми?

– Ҳа.

– Зинаида Ивановнанинг тинчини бузишга нима туртки бўлди?

– Онам қулоғимни кўрсатгани олиб борганида уларникида жуда чиройли қўғирчоқ мушукларни кўргандим. Онамдан Зоя момо бу мушукларни нима қилади деб сўраганимда тилла тангаларни ичига ташлаб қўяди дегандилар. Азбаройи қизиққанимдан уларни кўришни истадим. Афсуски, Зоя холаникига кирганимда ич-ичимга титроқ тушди. Боз устига, кампир ҳам уйғониб қолди. Мен қочмоқчи бўлиб айвончадаги супадан сакраганимда кийимлар илиниб турган ипга урилиб, уни узиб юбордим.

Бўлиб ўтган воқеалардан воқиф бўлган бағрикенг Зинаида Ивановна «мушук»ларини Акромга совға қилиб, яна ҳаммани ҳайратга солди.

– Булардаги тангалар гарчи турли даврларда ясалган бўлиб, бугунги кунда ўз қийматини йўқотган бўлса-да ўтмиш ҳақида ҳикоя қилиб туради. Болалар тарихни чуқурроқ билиб, шундай жаннатмакон ўлканинг қадрига етишлари, унинг ишончли қалқони бўлишларини истайман, – деди у ва профилактика инспекторига чексиз миннатдорлик билдирди. Бунга шоҳид бўлган маҳалла аҳли енгил тин олди.

Профилактика инспектори, катта лейтенант Қувватбек Ҳосилбеков ёш бўлса-да, қисқа фурсатда намунали хизмати билан эл ишончини қозона олди. Тўрткўл тумани марказий деҳқон бозори айнан у хизмат қилаётган ҳудудда жойлашгани ҳам раҳбариятнинг юксак ишончини белгилайди. Ёш ходим олиб бораётган ишлар чиндан ҳам эътирофга лойиқ.

**Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.**
*Қорақалпоғистон Республикаси.*

**Суратда:** *Тўрткўл тумани ИИБ профилактика инспектори, катта лейтенант Қувватбек Ҳосилбеков хизмат пайтида.*

**Муаллиф олган сурат.**

# ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН ҲАМЖИҲАТЛИК

**Юксак профессионализм, хушмуомалалик, одамлар орасига кириб бориш, ёшлар қалбига йўл топа билиш, оила ва мактаб ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш – ҳар бир профилактика инспекторининг асосий хусусиятлари бўлмоғи даркор.**

**Ислом КАРИМОВ.**

Шаҳрихон тумани Андижон вилоятининг қадимий ва ҳудуди катта туманларидан бири ҳисобланади. Бу ерда ҳунармандчилик азал-азалдан ривожланган. Эл-юрт осойишталигини улуғ неъмат деб билувчи бу юртда ички ишлар ходимлари фаолиятининг аҳамияти жуда катта. Аҳоли тинчлигини таъминлаб, уларнинг осойишта турмуши учун бор маҳоратини аямаётган посбонлар орасида 264-милиция таянч пункти профилактика инспектори, катта лейтенант Алишер Турсунов ҳам бор.

Алишер Турсунов хизмат қилаётган Найнаво қишлоғида учта маҳалла мавжуд бўлиб, уларда саккиз мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилмоқда. Ушбу гўшаларда 30 та фермер хўжалиги фаолият юритяпти. Шу боис фуқароларнинг аксарият қисми қишлоқ хўжалиги билан банд. Олиб борилаётган профилактик тадбирлар, қолаверса, ҳамқишлоқларнинг ўзаро аҳиллиги сабабли жорий йилнинг шу давригача бирор марта ҳам жиноят содир этилмади.

– Алишер ёш бўлса-да, ўз ишини пухта биладиган ходимлар сирасига мансуб, – дейди Иномжон ота Орифжонов. – У иш бошлаганига ҳеч қанча вақт бўлмай турибоқ маҳалла-кўйга қўшилиб кетди. Ҳар бир хонадондаги вазиятдан яхши хабардор. Жиноят содир этишнинг салбий оқибатларидан катта-ю кичикни бирдек огоҳлантиради. Тинчлик-осойишталик буюк неъмат эканлигини бот-бот эслатиб, ҳаммамизни ҳушёрликка чорлайди. Тўғри, баъзан ҳаётий тажрибаси кам эканлиги билиниб қолади. Ана шундай пайтларда биз, кексалардан маслаҳат сўраб туради. Мана шундай жонсарак ёшларимиз бор экан, ҳаётимиз бундан ҳам гуллаб-яшнайверади.

Жамоатчилик – катта куч. Жойларда осойишталикни таъминлаш биргина профилактика инспекторига қийинчиликлар туғдиради. Шунинг учун ҳам маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, маҳалла посбонлари билан ҳамкорлик қилинаяпти. Ҳамма бир тану бир жон бўлиб, шу қишлоқ фаровонлиги учун курашиб келаётгани сабабли ҳудудда тинчлик ва осойишталик ҳукмрон.

Катта лейтенант Алишер Турсунов қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бахмал опа Ғаниева ва фаоллар билан бир сафда фаолият юритаяпти. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли кундузлар осойишта, тунлар эса осуда ўтмоқда.

**Борис КЛЕЙМАН.**
*Андижон вилояти*

# МОЛ ЎҒРИСИ ҚЎЛГА ТУШДИ

**«Иссиқ изида» очилди**

Эшик кетма-кет тақиллагач, остонада Жаҳонгир аканинг узоқ сафарга кетган ўғли пайдо бўлди.

– Нега хотиржам ухлаяпсиз? – деди у безовталанганча. – Ахир ризқ-насибамизни ўғирлаб кетишаяпти-ку!

– Кимлар? – сўради Жаҳонгир ака ташвишга тушиб.

– Одам қиёфасидаги ғаламислар! – деди-ю кўздан ғойиб бўлди.

Жаҳонгир ака уйғониб кетди. Тушида ўғлининг безовта бўлиб юрганидан хавотирланиб ташқарига чиқди. Хўрозларнинг бир-бирига жўр бўлиб қичқираётгани тонг отаётганидан дарак берарди. Жаҳонгир ака ҳовлидаги ўриндиққа бориб ўтирдида, кўрган тушини эслашга уринди. Аммо ўғлининг айтган гапларидан бошқа ҳеч нимани эслолмади. Хаёл оғушига шўнғиган Жаҳонгир ака узоқ ўтирди. Куз фаслининг салқин шабадасидан эти увишиб, чопонига янада маҳкамроқ ўраниб олди. Шу пайт ҳовлидаги мол изларига кўзи тушиб қолди. У дарҳол ўрнидан туриб, молхонага бош суқди. Қараса қозиққа боғланган тўрт бош қорамоли жойида йўқ. Арқонлар эса кесилган.

– Бу ўғриларнинг иши, – хаёлидан ўтказди Жаҳонгир ака. – Тушимда ўғлимнинг безовта бўлгани бежиз эмас экан.

Жаҳонгир ака тезда уйига кириб, Шовот тумани ИИБга қўнғироқ қилди. Ушбу жиноятдан хабар топган бўлим навбатчиси дарҳол туман ИИБ бошлиғи, подполковник Жонибек Рўзметовга ахборот берди ва воқеа жойига тезкор гуруҳни жўнатди. Туман ИИБ ЖҚ ва УЖҚКГ катта тезкор вакили, майор Дониш Пирматов воқеа жойини синчковлик билан кўздан кечирар экан, ўғри борадиган ягона манзил – мол бозорларни назоратга олиш лозим, деган ўйга борди. У дарҳол жабрдийда билан туман ҳудудидаги бозорга етиб келди. Жаҳонгир ака бозорга сотиш учун олиб келинган моллар орасидан ўзининг иккита хўкизини ҳамда сигирларини таниди.

– Бу қорамоллар ўзингизникими? – сўради фуқаро кийимидаги тезкор вакил Дониш Пирматов.

– Бир йигитдан ҳозиргина сотиб олгандим. Тинчликми?

– Булар ўғирланган моллар.

– Ўзим ҳам сезгандим, – афсусланди харидор. – Шошаётганидан савдолашиб ҳам ўтирмади.

Майор Дониш Пирматов у билан суҳбатлашиб, мол сотган йигитнинг алоҳида белгиларини аниқлаб олди. Кейин эса суриштирув ишларини бошлади. Натижада ўғирликда гумон қилинган шахс Чўқли қишлоғидаги Маноқ маҳалласида яшовчи Ж. Умид эканлиги маълум бўлди. Зудлик билан уйига етиб борган ички ишлар ходимлари уни топишолмади. Майор Дониш Пирматов Умид Қозоғистон Республикасига бормоқчи эканлиги, айни пайтда Тошкент томонга кетаётганини аниқлади. Тезда вилоят ҳудудидан чиқаверишдаги «Тупроққалъа» ЙПХ масканида хизмат вазифасини бажараётган ички ишлар ходимлари бу ҳақда огоҳлантирилди.

Умид ўтирган енгил машина йўл-патруль хизмати масканига етиб келганда вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ катта тезкор вакили, капитан Муратбек Юсупов ҳамда ЙҲХБ алоҳида ЙПХ отряди 4-сафарбарлик гуруҳи инспектори, сержант Қутлимурат Солаевлар ҳар доимгидек хизмат вазифасини ҳушёрлик билан давом эттиришарди. Капитан Муратбек Юсупов автомашина ҳайдовчиси ва йўловчиларнинг фуқаролик паспортларини кўздан кечирар экан, улардан бири Ж. Умид эканлигига аниқ ишонч ҳосил қилди.

– Ҳаммаси жойида, аммо Умиднинг фуқаролик паспортидаги муҳрда ноаниқлик бор, – деди у гумондорнинг паспортини синчковлик билан кўздан кечираркан. – Илтимос, биз билан ичкарига кирсангиз. Компьютер орқали бу муаммони бир зумда ҳал қилиб, паспортингизни қайтиб берамиз.

– Нимаси ноаниқ экан?! – эътироз билдирди Умид бироз безовталаниб. – Ўзингиз текшириб чиқсангиз бўлмайдими?!

– Ҳар бир паспорт эгаси албатта текширувда қатнашмоғи шарт. Қани, мен билан юринг.

Ноилож қолган Ж. Умид ЙПХ маскани томонга юрди. Хонага кириши билан капитан Муратбек Юсупов уни ҳибсга олди. Бундан саросимага тушган Умид тақдирга тан беришдан бошқа чора тополмади. У Шовот тумани Хитой қишлоғида яшовчи Жаҳонгир Турабоевнинг 4 бош қорамолини ўғирлаб, уларни 3,5 миллион сўмга сотгани ва айни пайтда Қозоғистонга қочиб кетаётганини тан олди.

Шу куниёқ ўғирланган моллар эгасига қайтарилди. Ушбу жиноятнинг «иссиқ изида» очилишида фаол иштирок этган ички ишлар ходимларига вилоят ИИБ бошлиғи номидан миннатдорлик билдирилди.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Постда» мухбири.**
**Мирзабой АБДУЛЛАЕВ,**
**майор.**

# ТАЛАБЧАН ВА ҒАМХЎР РАҲБАР

**Ҳарбий хизматда тақдир тақозоси билан жангу жадал кўриб, ўт кечиб келган Нурали ҳеч иккиланмасдан ёнғин ўчирувчилик касбини танлади. Қанчалаб катта-кичик ёнғинларни ўчиришда бевосита иштирок этди, қанчалаб одамларни олов қаъридан олиб чиқди.**

Ҳеч ёдидан чиқмайди – 1987 йил ёзида ярим кечаси қўнғироқ қилиб қолишди. Учқудуқ шаҳри Ўзбекистон кўчасидаги иккита кўп қаватли уй ўртасида пайвандчилар қолдириб кетган кислород баллонлари портлаб кетиш хавфи юзага келибди. Дарҳол воқеа жойига етиб боришди. Қараса, вазият ниҳоятда қалтис – бир эмас, иккита кислород баллони портлаб кетай деб турибди. Смена бошлиғи сифатида дарҳол ҳар бир ходимга аниқ вазифа белгилаб берди. Ҳар икки уйнинг портлаш хавф соладиган хонадонлари аҳолиси хавфсиз жойларга кўчирилди. Тез, аниқ ҳаракат қилингани, кўрилган чора-тадбирлар натижасида ҳеч кимга жароҳат етмади, жиддий ёнғин келиб чиқишига йўл қўйилмади. Фақат портлаш зарбидан айрим деразалар синди, холос.

Қуйидаги воқеа ҳам Учқудуқда юз берганди. 1988 йилнинг кеч кузи эди, чамаси. Тунги соат 12 ларда диспетчер телефонининг жиринглаши ҳаммани сергак торттирди. Бу сафар хонадонлардан бирида ёнғин келиб чиқибди. Воқеа жойига етиб борилгач, Н. Амонов иккинчи қаватда жойлашган бу хонадондан қўшни хонадонларга, тепа ва пастки қаватларга ёнғин ўтиб кетишига йўл қўймаслик бўйича кўрсатма берди. Қўни-қўшнилардан суриштириб кўрганида, ушбу хонадонда 45 ёшлардаги киши 12-13 ёшли қизи билан яшаши маълум бўлди. Эшикни очса, ичкарини аччиқ, қуюқ тутун қоплаган. Ҳеч бир нарса аниқ кўринмайди. Пайпаслаб бораверib, тўрдаги хонада уй эгасини ухлаб ётган ҳолда топди. Сигаретни ўчирмасдан ухлаб қолган, шекилли, тагидаги тўшак тинимсиз тутарди, бир чети алангаланишга ҳам улгурганди. Унинг қизи эса қўрққанидан бурчакда пусиб турарди. Ўт ўчирувчи кийимидаги Нурали акага кўзи тушгач, югуриб келиб халоскорининг бўйнига осилиб олди. Нурали ака уй эгасини ўрнидан турғизгач етаклаб, қизни кўтариб балконга чиқди. Нарвон орқали тепага кўтарилган ходимлар қизни ҳам, унинг отасини ҳам пастга олиб тушишди. Шундай қилиб Нурали Амонов икки кишининг ҳаётини сақлаб қолди.

Нурали Амоновнинг шу соҳада ишлаётганига чорак асрдан ошибди. Ўтган давр ичида оддий ёнғин ўчирувчиликдан отряд командиригача бўлган йўлни босиб ўтди. Катта амалий тажриба тўплади. Бу орада Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтини сиртдан тамомлаб, қурилиш муҳандиси мутахассислигини ҳам эгаллади.

– Нурали ака раҳбар сифатида талабчан инсон. Аммо ғамхўрликни ҳам ўрнига қўядилар. Хизматнинг сир-асрорларини миридан сиригача биладилар, – дейди Навоий тоғ-металлургия комбинати Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси 2-ҲЁХО командирининг ўринбосари, подполковник Улуғбек Исломов.

Ўринбосарнинг айтганича бор. Ҳақиқатан ҳам отрядда қатъий интизом ўрнатилган. Шахсий таркиб ҳам, мавжуд асосий ва ёрдамчи техника воситалари ҳам ўт балосини даф этишга ҳамиша шай. Иншоотлар маъмурияти, тегишли идоралар вакиллари билан ҳамкорликда режа асосида амалий тактик машқлар ўтказилади. Бундай машқларни режалаштиришда подполковник Нурали Амонов ўзининг бой хизмат тажрибасидан, иншоотларнинг хусусиятларидан келиб чиқади. Отряднинг ўзида ҳам касб тайёргарлиги дастури доирасида тез-тез ёнғин ўчириш амалий спорти машғулотлари ўтказилиб туриладi. Иншоотларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларга риоя этилиши мунтазам равишда текшириб борилади. Текширувлар чоғида аниқланган камчиликлар бартараф этилмагунча Нурали аканинг ўзи ҳам тинчимайди, бошқаларга ҳам тинчлик бермайди. Шунинг учун жорий йилнинг ўтган даври ичида объектларда бирорта ҳам ёнғин юз беришига йўл қўйилмади.

Ғамхўрлик борасида тўхталадиган бўлсак, авваламбор отряд таркибидаги ҳар бир қисмда шахсий таркибнинг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароитлар яратилганлигини таъкидлаш керак. Янги спорт зали қурилиб, фойдаланишга топширилган. Ўқув хоналари барча зарур воситалар билан жиҳозланган. Ҳар чорак якуни бўйича, байрамлар муносабати билан хизматда яхши натижаларга эришаётган ходимлар рағбатлантирилиб борилади.

Подполковник Нурали Амоновни бошқарма раҳбарияти қадрлайди, отряд ходимлари ҳурмат қилади. Бунинг боиси лавҳамиз қаҳрамонининг фидойилиги, куюнчаклиги, чуқур билим ва бой тажрибага эгалиги, талабчанлик ва ғамхўрликни уйғунлаштира олганида бўлса керак.

**Бобомурод ИЗБОСАРОВ.**
*Навоий вилояти.*

## ИИВ Матбуот маркази хабарлари

### АВТОШОҲБЕКАТДАГИ ШОВҚИН

Бухоро шаҳридаги автошоҳбекатда икки номаълум шахс Навоий вилояти Зарафшон шаҳрида яшовчи С. Шуҳратни куч ишлатиш йўли билан қўрқитиб, ичида 400 АҚШ доллари, фуқаролик паспорти ва кийим-кечаклари бўлган сумкасини тортиб олиб кетди.



Изқуварларнинг саъй-ҳаракати билан ушбу жиноятни содир этганликда гумонланиб ғиждувонлик К. Шаҳриддин ва унинг Когон шаҳрида яшовчи шериги У. Ҳамдам ушланди.

### ЙЎЛТЎСАР... РАЯ

Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги 44-ўрта мактаб олдида Рая исмли аёл йўлтўсарлик қилди. У фуқаро Ф. Бахтиёрнинг 300 минг сўм пулини олиб кетди. Кўрилган чоралар натижасида талончи ушланди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.



### ТЕКИНТОМОҚЛАР ҲИБСДА

Жиззах шаҳрида жойлашган «Кўкбозор» ҳудудида уч киши С. Асраф ва А. Ўткирни куч ишлатиш йўли билан қўрқитиб, улардан ҳисобида 265 минг сўм пули бўлган пластик карточка ва 100 минг сўм пулни тортиб олишди. Кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни ишламайдиганлар Ж. Ҳамроз, Ж. Акром ва М. Жамшид содир этганлиги аниқланиб, қўлга олинди.

### ЗАНЖИРУЗАРЛАР ҚЎЛИДА «БИЛАГУЗУК»




Номаълум шахслар Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманидаги «Бисёр» супермаркети олдида Р. Дилнозанинг бўйнидан тилла занжирни юлиб олиб, давлат рақами бўлмаган «Нексия» автомашинасига ўтирганча қочиб кетишди. Кўрилган чоралар натижасида ушбу жиноятни муқаддам судланганлар, 20 ёшли Ҳ. Отабек, 19 ёшли И. Саидмурод ва 18 ёшли Б. Сардор содир этганлиги аниқланди.

Ҳамтовоқларнинг бошқа жиноятлари ҳам тергов жараёнида бирма-бир фош этилмоқда. Уч навқирон йигит ёшликнинг гул фаслини хазонга айлантиришгани чакки бўлди.

### ЖАБР КЎРГАН ВЕЛОСИПЕДЧИ

Фарғона туманида номаълум ҳайдовчи машинани «Фарғона – Хонқиз» автомобиль йўлининг 21-чақиримида бошқараётиб, велосипедчи Ғиёс Ғуломовни уриб юборди ва воқеа жойидан қочиб кетди. Ички ишлар ходимлари дарҳол суриштирув ишларини бошлаб юборишди. Шу туманда яшовчи У. Комил мазкур жиноятни ўзининг «Фолксваген» русумли автомашинасида содир этгани маълум бўлди. Ҳайдовчи ушланди.

**Норали ОЧИЛОВ,**
*катта лейтенант.*

## Маърифат дарси

# Истиқлол ва истиқбол мадҳияси

**10 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кун**

**«Улуғ мақсадларга етишиш, янги жамият, фаровон турмуш қуриш, инсон зотига муносиб гўзал ҳаёт барпо этиш, аввало, шу жамият аъзолари бўлган комил одамларга, келажаги баркамол авлодга боғлиқдир», дея таъкидлаганди муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов.**

Истиқлол – халқимизнинг асрий орзуси эди. Дунё яралибдики, инсон ўзини озод ва эркин ҳис қилишни истайди. Ана шу озодлик, эркинлик тушунчалари жамиятда яшовчи ҳар бир шахс учун нақадар муҳим ва аҳамиятли.

Сўз мулкининг султони Алишер Навоий бу ҳақда шундай ёзадилар:

***Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,***
***Эл анга шафиқу***
***меҳрибон бўлмас эмиш.***
***Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,***
***Булбулга тикондек ошён бўлмас эмиш.***

Яъни, ўзга элда, мусофирликда юрган ғариб-мусофир шоду хурсанд бўла олмайди, негаки, бегона эл унга меҳрибонлик қила олмайди. Буни булбулга қиёслаб тушунтирсак агар, гўё олтиндан қафас ясаб, унинг ичига қизил гул битиб қўйсак ҳам, булбул учун бу ўзининг табиий тиканзоридек бўла олмайди деган фикр илгари сурилган. Бу ерда булбул тимсолида инсон учун озодликнинг нечоғли зарурлиги кўрсатилган. Инсон – ўз ватанида азиз ва мукаррам. Ватансиз кимса ночор ва ғарибдир.

Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида жонини фидо қилган, уни ўз онасидек, азиз ва мукаррам, ўз иймони қадар юксак, мўътабар тутган маърифатпарвар ёзувчи Абдурауф Фитрат шундай фикр юритади:

«Ватан – у менинг жону таним, саждагоҳимдир. У менинг тўлин ойим, тинч-омонлигим, иззатим, шарафим, каъбам, қиблам ҳамда гулистонимдир».

Таъкидлаш ўринлики, она-Ватанни улуғлаш, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш каби муқаддас туйғуларни ўсиб келаётган ёш авлод қалбида камол топтириш ҳар бир фуқаронинг инсонийлик бурчидир. Бу ҳақиқатни ҳар биримиз олий даражада англаб олишимиз зарур.

Ватанимизнинг мадҳи – бу мустақил Ўзбекистон мадҳи, истиқлол мадҳи. Озод ва обод Ватанимизнинг бугунги равнақи, албатта, истиқлол билан чамбарчас боғлиқ. Бугунги кунда эзгу қадриятга айланган истиқлолимизнинг ҳар бир санаси заҳматкаш халқимизнинг орзу-умидлари рўёби, фидокорона меҳнати, тадбиркорлик ва бунёдкорлик ишларининг амалий самараси, фаровонлик, тўкинсочинлик манбаи сифатида мамлакатимизда кенг нишонланиб келинади.

Истиқлол гўё ўн тўққиз ёшли навниҳол йигитдек, айни пайтда, ўсиб-улғайиб, куч-қувватга тўлиб, ўзининг буюк қудратини намоён этмоқда, десак асло муболаға бўлмайди. Ўтган ўн тўққиз йил қисқа муддат бўлса-да, маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришган ютуқларимиз ҳаётимизни, онгу шууримизни том маънода ўзгартирди.

Истиқлол – сиёсат ва иқтисодиёт, давлат, жамият қурилиши, маънавият, маданият, суд-ҳуқуқ тизими ҳамда хавфсизликни таъминлаш соҳаларида мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши даври бўлди.

У нафақат моддий, балки маънавий соҳада ҳам улкан бурилишларга, тафаккур юксалишига шарт-шароитлар яратди. Зеро, миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояси инсонни эзгуликка, ҳалол меҳнат қилишга, ватанни қадрлаш ва уни улуғлашга, ўсиб келаётган ёш авлодни меҳнатсеварлик, ватанга садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган. Барчамизни ягона мақсад сари уюштирадиган, етаклайдиган куч – миллий истиқлол мафкурасидир.

Истиқлол туфайли Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг марказида инсон ва унинг бахт-саодати, фаровонлиги, маънавий камолоти туради. У ҳар бир фуқаро учун мустақил фикрлаш, ижодкор, тадбиркор бўлиш моддий ва маънавий юксалиш имкониятини берди.

**«Инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади»,** – деб таъкидлайдилар Юртбошимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида.

Дарҳақиқат, инсонни парвозга шайланган бир қуш деб олсак, унинг икки қаноти бўлмаса, ҳеч қачон юксакликка парвоз қила олмайди. Яъни моддий ва маънавий олам инсонга гўё қанот бахш этади, уни кўзлаган мақсадига эриштиради. Айниқса, инсоннинг маънавий дунёқараши бой ва юксак бўлиши лозим. Шундагина моддий эҳтиёж мезонлари ҳам тўғри белгиланади. Юксак маънавиятли шахсгина моддий дунёга ружу қўймайди, яъни қаноатли, саховатли бўлади.

Мустаҳкам иродали, ўз эътиқодига эга





бўлган, Ватани, ўз тили, маънавияти, маданияти ва миллий қадриятлари билан фахрлана олган инсонгина мустақил Ўзбекистонимизнинг келажагини барпо этишга ўз ҳиссасини қўшади. Келажаги буюк давлатни қураётган ёшларнинг билим ва тафаккури, одоби ҳамда ахлоқи жамиятда янги иқтисодий муносабатларни қарор топтириш, маънавий ва моддий неъматлар яратишга қаратилган, айни пайтда, Ватани ҳамда халқи учун ёниб яшаш ҳисси билан суғорилган бўлиши лозим.

Истиқлол даврида ўзбек халқининг ана шундай янги авлоди шаклланди. Ўн тўққиз ёшли бу авлод ўзлигини яхши ҳис қиладиган, Ватанимиз, миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизга садоқатли, маънавий-маданий меросимизни асраб-авайлайдиган, маърифатли, баркамол авлоддир.

Таъкидлаш жоизки, истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб, юртимизда ўсиб келаётган ёш авлодни жамиятнинг ҳақиқий таянчи ва суянчига айлантириш масаласига янада эътибор кучайтирилган. Буни хусусан, 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонун мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Мазкур қонун ёшлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларнинг жамиятимизда муносиб ўрин эгаллашлари учун тегишли имкониятларни яратишга хизмат қилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши туфайли бугунги кунда юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида кўркам, замонавий олий таълим масканлари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, янги типдаги мактаблар қад ростлади. Ёшлар ўртасида уч босқичли спорт ўйинлари – «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» мусобақаларининг ўтказилиши эса соғлом авлод истиқболи учун ўзига хос заминдир.

Маълумки, халқимиз маънавий меросида инсон ва унинг жисмоний-руҳий камолотига жиддий эътибор қаратиб келинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясида ҳам халқимизнинг юқоридаги фазилатлари ўз ифодасини топган:

**Серқуёш, ҳур ўлкам, элга бахт, нажот,**
**Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!**
**Яшнагай то абад илму фан, ижод,**
**Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон!**

**Олтин бу водийлар жон – Ўзбекистон,**
**Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!**
**Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,**
**Оламни маҳлиё айлаган диёр!**

**Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,**
**Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!**
**Истиқлол машъали, тинчлик посбони,**
**Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!**

1991 йил 31 августда Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинганидан сўнг, дастлабки муҳим масалалардан бири мустақил Ўзбекистоннинг Давлат мадҳиясини яратиш бўлди. Атоқли бастакор Мутаваккил Бурхонов ижодига мансуб мусиқа асосида ва янги мадҳиямизнинг сўзларини атоқли шоиримиз Абдулла Орипов ёзиб берди. Ўзбекистоннинг Давлат мадҳияси 1992 йил 10 декабрда расмий равишда қабул қилинган.

М. Бурхонов мусиқаси ўзининг кўтаринкилиги, ҳаётийлиги, жўшқинлиги, равон ва айни вақтда инсонни истиқболга чорловчанлиги билан халқнинг миллий руҳига яқин. Мусиқа муаллифи ўзбек халқининг келажак истиқболига ишончини ўша давридаёқ чуқур изҳор эта олди ва шунинг учун бу мусиқа ўз қимматини йўқотмади. Абдулла Орипов шеърининг ҳар бир сатри халқимизнинг ўзига хос бағрикенглилигини, тарихимизни тараннум этиб, буюк келажагимизга ва порлоқ истиқболимизга ишончимизни тўла акс эттирган.

Ардоқли шоиримиз Мусо Тошмуҳаммад Ойбек иборалари билан айтганда, сал кўрмаса қуёш соғиниб қоладиган жонажон юртимизда ҳақиқатан ҳам илму фан, ижод ҳамиша барқ уриб, гуллаб-яшнаган. Буни узоқ ва яқин тарихимиз, қолаверса, ҳозирги кунимиз ҳам исботлаб турибди.

Сўз санъати дурдоналаридан, қарийб уч минг йиллик тарихга эга бўлган «Авесто»дан тортиб, «Тўмарис», «Сухайл ва Гулдурсун», «Урхун-Энасой», «Қобуснома», «Ал-Ҳидоя», «Алжабр вал муқобала», «Тиб қонунлари», «Девону луғатит турк», «Қутадғу билик» («Туркийча Шоҳнома» деб ҳам юритилган), «Девони ҳикмат», «Қиссасул-Анбиё», «Хазойинул маоний», «Хамса», «Бобурнома» сингари улкан маънавият ва маданият хазиналаримизни санаб поёнига етиб бўлмайди.

Юқорида зикр этилгани каби она-Ватанимизни Ҳақнинг ўзи ярлақаган, яъни Оллоҳнинг назари тушган юртдир. Биргина йил фаслларининг тўрт қисмга тенг тақсимлангани, ҳар куни қуёш нурларининг порлаб туриши, она заминимизнинг сўлим ва бетакрор наботот ҳамда ҳайвонот олами, табиати-ю, фозил одамларини бирорта ўзга юртда учратиб бўлмайди.

Мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Мадҳиямиз муаллифи таъкидлаганларидек, улуғ, бунёдкор, бағрикенг халқимизнинг куч-қудрати ана шу эркин ва ёш авлодлар тимсолида жамул-жамдир.

**Баҳодир СУЮНОВ,**
**филология фанлари номзоди.**

## Сиёсий-ижтимоий сабоқ

# Конституцияда инсон ҳуқуқлари ҳимояси

**Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2010 йилнинг мамлакатимизда «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиниши замирида чуқур маъно-мазмун мужассам. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт». Уларни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш учун барча шарт-шароитларни яратиш давлатимиз ва жамиятимизнинг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Мамлакатимизда қабул қилинган «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг ижросига 2010 йилда барча молиялаш манбалари ҳисобидан 8 триллион сўм атрофидаги маблағ йўналтириш мўлжалланган.**

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ҳуқуқий рамзи, халқ хоҳиш-иродасининг олий ифодаси бўлмиш Конституция қабул қилинганига ўн саккиз йил тўлди. Асосий қонунимиз янги демократик ўзбек давлатчилигини шакллантириш ҳамда фуқаролик жамиятини қарор топтириш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг қонуний асоси бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Ҳақиқатан ҳам ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши мамлакат ҳаётида улкан сиёсий воқеа, янги Ўзбекистонни қарор топтириш жараёнидаги муҳим қадам бўлди. Конституция энг аввало дунё сиёсий харитасида янги суверен демократик давлат – Ўзбекистон Республикаси қарор топганлигини қонунлаштирди. Унда халқимизнинг хоҳиш-истаги баён этилиб, ўзбек давлатчилигини замонавий маърифий асосларда қайта тиклаш, тинч-тотув яшаш ва тинчликни барча чоралар билан мустаҳкамлаш, демократияни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига содиқ қолиш, адолатли ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар осойишталиги ва миллий ҳамжиҳатликни таъминлаш каби олижаноб ниятлар эълон қилинди. Ўзбекистон Конституцияси олий даражадаги қонун сифатида давлатимизнинг моҳиятини, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тузумини, бошқарувнинг демократик принципларини, жамият ривожланишининг стратегик йўналишларини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланганлигини, миллий ва маънавий қадриятларимиз асосларини мустаҳкамлаб берди.

Маълумки, мустақилликка эришган ҳар бир халқ ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият ва давлат бунёд этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади. Ўзбекистон ўзининг истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаб олди, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодига ўтиш режасини ишлаб чиқди. Миллий хусусиятлар ва анъаналарни инобатга олган ҳолда адолатли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш, бозор муносабатларига ўтиш, мустақил давлат манфаатлари устуворлигига ҳамда тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсатнинг аниқ принципларини ва йўналишларини белгилаб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2010 йил 12 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги **«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузасида «...мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган Конституциямизнинг қоида ва нормаларига таяниш алоҳида аҳамият касб этади»,** – дея таъкидлаган эдилар. Дарҳақиқат, ўтган давр мобайнида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларда ижобий ўзгаришлар руй берди. Айниқса, юртдошларимизнинг сиёсий онги, тафаккури ва дунёқараши юксалиб, улар мамлакатимиз тараққиётининг фаол иштирокчиларига айланмоқдалар.

Асосий қонунимизнинг бош мақсади, унинг муқаддимасида эътироф этилганидек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлашдир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон ҳуқуқлари устуворлиги, давлат билан фуқаронинг ўзаро сиёсий-ҳуқуқий муносабатлари ҳамда масъуллиги принципларига асосланувчи тамомила янги концепцияга таянган бўлиб, унда инсон ҳуқуқлари категорияси конституциявий даражада мустаҳкамлаб қўйилди. Бугун мамлакатимизнинг қарийб 20 йиллик босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлига назар ташласак,




ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ўз кучига, ақл-заковатига, миллий урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларига таянган ҳолда эришган ютуқларида Конституциянинг роли ва аҳамияти катта эканлигининг гувоҳи бўламиз. Агар собиқ совет тузумида давлат ва жамоанинг манфаати фуқаро манфаатларидан устун қўйилган бўлса, энди қадриятлар тизими, Асосий қонунимизда эътироф этилганидек, инсон фойдасига ўзгарди. Дарҳақиқат, ижтимоий-сиёсий ҳаётда инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари устувор мавқега эга бўлади.

Конституция фуқаро билан давлатнинг ўзаро муносабатлари кўламини, ижтимоий ҳаётнинг асосий соҳаларига давлат аралашувининг чегараси ва хусусиятларини белгилаб берди. Энг муҳими, инсоннинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларига олий юридик мақом бахш этди. Давлат ҳокимияти ўз фаолиятини шундай ташкил этиши режалаштирилганки, унга кўра инсон сиёсий ҳаётнинг фаол иштирокчиси, ижтимоий тараққиётнинг бош мақсади, жамиятнинг эзгу тилаги ва олий қадриятидир.

Конституциянинг 13-моддасида инсон қадри қуйидагича юридик талқинини топган: **“Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”**. Асосий қонунимизнинг “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” деб номланган иккинчи бўлими БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг принцип ҳамда қоидаларига тўла-тўкис мувофиқдир.

Бош қомусимизнинг 24-моддасида **“Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир”,** – дейилади. 2008 йилдан мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши инсоннинг яшаш ҳуқуқи қонуний асосда ҳимоя қилишнинг амалий исботи бўлди.

Конституцияга кўра, давлат инсон яшаши учун муносиб шарт-шароитни яратиб бериши, шахс ҳаёти ва қадр-қимматини муҳофаза қилиши шарт. Буни таъминлаш учун эса давлат идоралари ва жамият тузилмаларининг кенг кўламли серқирра фаолияти талаб этилади. Давлат мўътадил социал сиёсат юритиш, қирғинбарот урушлардан бош тортиш, жамият ва фуқароларнинг осойишталигини таъминлаш мақсадида ҳар қандай жиноятларга қарши қатъий курашиш, аҳолига мақбул экологик муҳитни таъминлаш кабилар орқали инсоннинг яшаш ҳуқуқини рўёбга чиқаради. Мамлакатда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари жамоат тартибини сақлаш чораларини кўраётганлиги ва жиноятчиликка қарши кескин кураш олиб бораётганлиги туфайли фуқароларимиз осойишта яшаб, тинч меҳнат қилишмоқда.

Шахсий ҳуқуқлар тизимида инсоннинг эркинлиги ва шахсий дахлсизлиги, турар жой дахлсизлиги, ёзишмалар ва телефон сўзлашувлари сир сақланиши ҳуқуқлари алоҳида ўрин тутади. Шунингдек, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас. Турар жой дахлсизлиги ҳуқуқи фуқароларнинг алоҳида конституциявий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Амалдаги қонунчилик бу ҳуқуқни реал амалга ошириш ва кафолатли таъминлашнинг механизмини мустаҳкамлаб қўйган. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳолатлардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши мумкин эмас.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқий мақоми тизимида сўз ва эътиқод эркинлиги ҳам муҳим ўрин тутади. Демократиянинг бу шартлари ҳар қандай ҳуқуқий давлатда ўз чегара, меъёр ва мезонларига эга бўлади. Масалан, мамлакатимизда сўз эркинлигини кафолатлаш билан бир қаторда урушни тарғиб қилиш, миллий ва диний адоват уйғотишни келтириб чиқарувчи тарғибот ва ташвиқот юритиш тақиқланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида урушни тарғиб қилганлик (150-модда), мавжуд конституциявий тузумга тажовуз қилганлик (159-модда) учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Сўз эркинлиги қонун лойиҳаларининг муҳокамаларида, референдумларда, Президент ва парламент сайловларида, маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари умумий йиғинларида иштирок этиш ҳамда ўз фикрини ифодалаш имконини беради. 2009 йил 27 декабрда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловларда ҳам барча фуқароларимизнинг иштирок этиши Конституция яратган имкониятнинг ёрқин ифодасидир. Мазкур сайловлар натижасида фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштироки яна бир карра намоён бўлади.

Фуқаровий ҳуқуқ ва эркинликлар ичида инсоннинг ички маънавий дунёсига, руҳиятига алоқадор бўлмиш виждон ва эътиқод эркинлиги алоҳида эътиборга молик. Инсон ўз дунёқарашини, эътиқоди, ахлоқи ҳамда маънавиятини ўзи ҳеч кимнинг тазйиқисиз, зўравонлигисиз танлаб олиши лозим. Асосий қонунимизнинг 31-моддасида **“Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”**, – дейилган.

Асосий қонунимизда фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқлари ҳам кафолатланган. Бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий заминини яратиш манфаатларидан келиб чиқиб, Конституция хусусий мулк дахлсизлиги ва унинг давлат томонидан қўриқланишини (53-модда) ҳамда ҳар кимнинг мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини (36-модда) мустаҳкамлади. Хусусий мулкчиликнинг расман тан олиниши иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлади, тадбиркорликка кенг йўл очиб берди.

Демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этишни ўзининг олий мақсади деб билган халқимиз Конституция ва миллий қонунчилигимизга асосланган ҳолда шу мақсадга эришишнинг мураккаб ва масъулиятли йўлидан ишонч ва қатъиятлик билан одимламоқда. Ўтган тарихан қисқа давр мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб бурилишлар даври бўлганлигини жаҳон ҳамжамияти ҳам эътироф этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, республикамиз босиб ўтган қарийб 20 йиллик мустақил тараққиёт йўлида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишда шубҳасиз Конституциямизнинг муҳим ўрни бор. Асосий қонунимизнинг ҳаётийлигини таъминлаётган омиллар шундаки, биринчидан, унга умумбашарий қадриятлар ва халқаро ҳуқуқий меъёрлар сингдирилган. Иккинчидан, Бош қомусимизда жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари конституциявий тажрибаси ҳисобга олинган. Учинчидан, Асосий қонунимиз ўзида халқимизнинг кўп асрлик маънавий қадриятларини, улуғ аждодларимизнинг ҳуқуқий меросини, миллий тафаккуримизни мужассам этган.

**Абдуғафур САТТАРОВ,**
**юридик фанлар доктори.**

## Руҳият манзаралари

**Олтин косани синдиргани билан тошнинг нархи ошмаслигини, қолаверса, дунёда тирикликнинг бундан бошқа ҳикматлари ҳам кўп эканлигини у аллақачон тушуниб улгурган ёшда эди. Инсон кўнгил ўйларини шамсиз қоронғи кеча қўйнидан озод этмоқчи бўлса муроса йўлини тутади, ҳар ҳолда шунга уринади.**

Ўрмоннинг чангалзору сўқмоқлари ўрмончига аён, ҳар ким дилида эсган шамолни бошқара олгани дуруст. Билсангиз, бу ҳам кўнгил тарбияси. Кўнгил мулки.

Хаёл чўққиларини забт эта билган қалб муттасил орзу ва севинчлар фаслининг интизор кўкламлари ёлқинланиб кириб келмоғини истайди. Тошқин суви қирғоқни босгандек унга ғарқ бўласан.

У айни дамда шундай бир аҳволда, ўй-фикрлари билан ёлғиз ўзи қолган эди. Тубсиз дарёдек шовуллаб, ҳайқириб оқиб бораётган ҲАЁТ дарёсининг тубсизликларига дуч келиш мумкин.

Инсоннинг юрак деган «мамлакати» қанчалар кенг ёки тор бўлмасин унинг ўз боғу-баҳори, ифори, алафлари бор...

Гарчи йигитнинг ўзгалар билан иши йўқ, кўп қатори ўзи билан ўзи овора бўлиб яшаса-да, ҳозир ўзини қўярга жой тополмасди.

Бошлиқнинг бугунги айтган сўзлари қулоқлари остида қайта-қайта жаранглаётгандек уни янада асабийлаштирди. Қўли ишга бормади. Дунё такаббурликларига, атрофидаги айрим тутруқсиз башараларга тоқат қилиб юргани учун ўзини койиди. Жўяли айби бўлганда ҳам қўл силтаб кетар эди. Ҳозир ундай қилмади, қилолмайди. Нима учун?.. Ахир, нималар бўлаётганлигини у кўриб-билиб турибди-ку! Қачон булар кўзини очади? Қаерда тарбия кўрган ўзи булар?

Нафс тергови – жониворнинг гўркови бўлмас, деганларича бор. Балойи нафс, шахсий манфаат ўзига бино қўйган ҳар қандай одамни тиз чўктиради, фалокатга бошлайди. Боиси энг баланд минора ҳам ердан кўтарилади.

Нима бўлганда ҳам унинг нафсониятига тегишга ҳеч кимга ҳуқуқ берилмаган. Валломат бўлиб кетмайдими. Ҳар ишнинг чегараси бор. Мансаб ягона ҳақиқат бўлиб қололмайди. Бугун бор, эртага эса... Бас, бугунча етар, деб хаёллаганча стол устидаги қоғозларни четга сурди, тортмага тиқди. Турфа хаёллар билан бўғилиб ташқарига отилди.

Ҳаво ёқимли эди, муздек шамол эсарди. Тилларанг хазонлар сочилган йўлакда узоқ-узоқ ёлғиз юргиси, асабларини тинчлантиргиси келди. Шошилмай пиёдалаб кетди.

У ер ости йўли зиналаридан пастга тушаётганда қулоғига ёқимли куй эшитилди. Йўлак чеккасида мусиқачи йигит куй чаларди. Скрипканинг эски ғилофини очиб оёқлари олдига қўйиб олган ичида пуллар, йигит эса мумтоз куйни бериб чалмоқда эди. Бу ҳолат нечундир унга таъсир этди. Ҳатто ўша буюк Паганини ҳам қанчалар хунук бўлишига қарамасдан одамлар кўнглини гўзал санъати билан забт этганлигини у яхши биларди. У бош бармоғини юқори кўтарганча скрипкачи йигитга «зўр» ишорасини қилди.

Йўлида давом этаркан ўйларди: аслида инсон учун кўп нарса керакми?! Асло! Унинг кўнглига ой киргандек эди. Мустаҳкам эътиқодига ишонч ва илинж, руҳиятидаги эврилишлар ҳаётнинг арзигулик бир қиррасини намоён этиб тургандек. Ҳар бир инсон тақдир. Тақдир эса азал-абад сир.

Юракдаги қават-қават тўлқинлар тинмайди. Хаёллари тўхтамайди. Барибир дилини қисмат даштидаги қашқирлар галасидан, уларнинг тажовузидан асрагани маъқул.




Оёқлари йўл-йўлакай шу яқиндаги хиёбонга бошлади. Бу ерда сокинлик ҳукмрон эди. Асабларини тиниқлаштириш учун бир манзил, бир баҳона. Уйидан бошқа борарга боғи, суянар тоғи, уни тушунар кишиси йўқдек туюлди. Лекин фалакнинг ишларини четлаб ўта олмаслиги аниқ. Сабаби, бошқалар қатори унинг елкасида ҳам ўша ҳаёт ташвиши. Бу ташвишнинг вазнидан қатъи назар ортмоқлаб кетаверади.

Ҳар юрак зулфидан юлинган кузак япроғидек ўзича доғли. Фароғат йўлидан борсангда уни тўсувчилар, тош улоқтиргувчи маҳлуқлар топилади. Бунга ҳайрат бармоғини қаттиқ тишлаб қолавериш ярамайди. Наҳотки, аллақандай мансаб бандиси юрагидаги қуёшни ботириб юборса?! Йўқ, унинг кўнгли нураб, мунғайиб, мағрурлигини йўқотган фақат букридек кўринаётган эски тепаликдек ночор, ардоқсиз қолавермайди.

Ҳаёт кимгадир эртак, бировга эрмак, бошқасига умр мазмуни. Қабиҳликлардан ҳам мосуво эмас. Инсон кўнглини чил-чил қилиш, бошига фалокат тошларини ёғдириш бор гап. Умуман, ҳаётнинг ҳар дақиқаси биз ўйлагандан кўра чигалроқ мазмун-моҳиятга, илдизларга эга.

У хиёбонни ёлғиз кезиб бораркан айни дамда бу юриши ўзи учун оламдаги жамики машғулотлардан қимматлироқ эди. Иттифоқо, миясига, «эҳтимол, мен ўзим мавҳум одамдирман, кўпчилик билан дарҳол тил топиша олмасман», – деган ўй келди. Бўлмаган гап. Яна ўзини тинчлантирди. Инсонни нафақат енгиб, уни англаб ҳам бўлмас экан.

У яқин дўстидан бир рассом ҳақида эшитганди: рассом ёлғиз яшарди. Истеъдодли, камсуқум ва қашшоқ эди, ҳамиша катта бир картина чизишни орзу қилар, эртадан кечгача ишлар ва изланарди.

Кунларнинг бирида қўшниси унинг уйига чиқиб: «Бир ҳафтадан кейин хотинимнинг туғилган куни. Унга атаб сизга бир расм буюртмоқчи эдим. Картинада кўм-кўк кўл бўйлаб қайиқда сайр қилаётган аёлу оққушлар тасвири бўлиши лозим», дейди.

Рассом унинг кўнглини қолдирмасдан: «Мен буюртма қабул қилмайман» – деса-да, қўшниси ялиниб-ёлвориб-ди. Охири, кўндирибди. Буюртмани олиб кетаётганида, «олмайман» дейишига қарамай, унга пул ташлаб кетибди. Орадан сал вақт ўтгач, яна бир қўшниси буюртма берибди. У ҳам ҳоли жонига қўймабди: рассомга пул берибди. Шундан сўнг рассомнинг уйини буюртмачилар босиб кетибди. Борабора, у бойий бошлабди. Шоҳона ҳаёт кечирибди. У янада кўпроқ пул топиш учун тиним билмайдиган бўлибди. Кўнглидаги туйғулардан кўра кўпроқ нафсига, худбинликка эрк берибди.

Шу тариқа вақт ўтиб, кексайибди. Турмуши яхши бўлса-да, ўзини бахтсиз ҳис қиларкан. Негалигини ҳеч тушунмас экан. Бир кун устахонасига кириб, алланарсани қидира бошлабди ва ногаҳон ёшлигида бошлаб қўйган ўша картинасини топиб олибди-ю, юраги ҳапқириб кетибди. Чала қолган картинага анча тикилибди. Аммо унда нималарни акс эттирмоқчи бўлгани, яъни ёшлигидаги ўша орзусини ёдига келтира олмабди...

Дарвоқе, унинг-чи, унинг қандай орзулари бор эди? Қай бирини эсласин. Кўнглини хотиржам қиладиган томони шундаки, унда эслаш учун шижоат топилмоқда эди.

Унинг бесаранжомлик ва ҳаяжон учқунлари яширинган кўзларида теранлик ифодаси яққол сезиларди.

У йўлакдан дилгир хаёлда ўтиб бораркан шу топда кўнгил эшиклари очилган эди. Хаёлларга ошуфта бўлиб, хиёбонни қанча кезмасин, ўзи билан ўзи оввора бўлган шаҳарнинг ҳардамхаёл юргувчи ҳар бир кишисига юрагини очса-да, ёлғиз эди...

**Мирзаумар ХАЛИЛОВ,**
*подполковник.*

2010 йил – Баркамол авлод йили

# ЁШЛИК, БАРКАМОЛЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

## *Бухоро шаҳрида «Талабалар фестивали – 2010» тадбирлари бўлиб ўтди*

**Баркамол ёшлар – мамлакат таянчи, юрт келажаги, янги ҳаёт ва жамият барпо этиш йўлидаги олижаноб ишларнинг қатъиятли давомчиларидир. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида баркамол авлодни тарбиялаш мақсадида олиб борилаётган изчил давлат сиёсати ўзининг юксак самараларини бермоқда. Улкан илмий ва интеллектуал салоҳиятга, юксак маънавиятга эга ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиб бормоқда.**



Бугунги кунда мамлакатимиз олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талаба-ёшларнинг билим савияси, илмий, интеллектуал ва жисмоний салоҳияти, юксак маънавияти бунинг ёрқин далилидир. Маълумотларга кўра, мамлакатимизда ҳар йили 50 мингдан кўпроқ йигит-қизлар олий ўқув юртларига қабул қилинади.

Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари ҳамда бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Талабалар фестивали» баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, талабаларнинг ўзаро билим ва тажриба алмашишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Айни пайтда соғлом ва мустақил фикрли, кенг дунёқарашга эга, ватанпарвар ва фидойи авлодни шакллантиришда мазкур тадбирнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётир.

Қадимий ва навқирон Бухоро тўрт кун давомида байрам шукуҳи билан яшади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 500 нафардан кўпроқ йигит-қиз бу ерда ўтказилган илм, тараққиёт ва келажак сари интилиш, деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган талабалар байрамида қатнашди. Мазкур анжуман юртимизда ҳар томонлама баркамол авлод вояга етаётганининг яна бир ёрқин тасдиғи бўлди.

Тадбирда иқтидорли ёшлар билан бирга, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ўқитувчи ва мураббийлар, йигит-қизларнинг билими, интеллектуал салоҳиятини баҳолайдиган эксперт-мутахассислар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

– «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига мувофиқ ташкил этилган мазкур фестиваль мамлакатимиз ёшларининг билими, дунёқараши, интеллектуал салоҳияти нечоғлик юқори эканини кўрсатди, – дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Баҳодир Ғаниев. – Баркамол авлод йилида «Талабалар фестивали – 2010» ёшлар байрамининг Бухоро шаҳрида ўтказилиши алоҳида маъно-мазмунга эга. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов жорий йилнинг 30 август куни Бухоро шаҳрида барпо этилган «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументининг очилиш маросимида буюк келажагимизни яратишда, аввало, мустақил фикрлайдиган фарзандларимизга, шу юртни ягона, бетакрор Ватан, деб билган ёшларимизга суянишимиз, Ўзбекистон эришган буюк марраларда, оламшумул ютуқларда ёшларимизнинг ҳал қилувчи кучга айланганини алоҳида таъкидлади. Фестиваль доирасида ўтказилган барча тадбирлар санъат, маданият, илм-фан, спорт соҳасида иқтидорли ёшларни аниқлашга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

Фестиваль иштирокчилари аввало 107 гектар майдонни эгаллаган «Бухоро маданий маркази» билан танишдилар. Талаба-ёшлар бу ерда амалга оширилаётган ободонлаштириш ишларига ҳисса қўшдилар, эзгу ниятлар билан кўчатлар экдилар.

– Юртбошимиз ташаббуси билан бунёд этилган «Бухоро маданий маркази», жумладан «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументи билан танишиб, шу муқаддас юрт фарзанди эканимдан қалбимда фахр-ифтихор туйғуси жўш урди, – дейди Андижон давлат университети талабаси Наврўза Худойбердиева. – Бухородаги ҳар бир қадимий обида аждодларимизнинг нақадар юксак ақл-заковат,



маънавият соҳиби бўлганидан далолат бериб турибди. Улар билан танишар эканман, ана шу буюк аждодларимизга муносиб ворис бўлиш, пухта билим олиб, Президентимиз билдирган ишончни оқлаш биз, ёшлар зиммасига нечоғлик улкан масъулият юклашини яна бир бор дилдан ҳис этдим. Фестиваль давомида кўплаб дўстлар орттирдим, илмий йўналишда янги-янги маълумотларга эга бўлдим.

Фестивалда ёшлар таълим, маданият, санъат ва спорт соҳаларида эришган ютуқларини намойиш этдилар. Ватан, ёшлик ва дўстликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради. Буларнинг барчаси ёшларимизни мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, юртимизни кўз қорачиғидек асраш, истиқлол берган неъматларнинг қадрига етиш, Ватанимиз тараққиёти йўлида янада жипслашишга даъват этади.

Фестиваль иштирокчилари Бухоронинг асрлар оша яшаб келаётган тарихий обидалари билан танишдилар. Аждодларимизнинг улкан бунёдкорлик салоҳияти, улуғворлик касб этган тарихий шаҳар қиёфаси ёшларда катта таассурот қолдирди.

Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари қатори Бухоро вилоятида ҳам истиқлол йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди ва бу эзгу иш изчил давом эттирилмоқда. Янги-янги замонавий мактаб, лицей, коллежлар, шифохоналар, кенг ва равон йўллар барпо этилди. Анжуман иштирокчилари қадимий шаҳарнинг замонавий гўзал қиёфасини кўздан кечирдилар. Буларнинг барчаси ёшларимизда ватанпарварлик туйғусини янада мустаҳкамлаши, юртимизнинг ўтмиши ва келажагига бўлган дахлдорлик ҳиссини кучайтириши, шубҳасиз.

Талабалар фестивали юртимизни янада равнақ топтириш, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кечаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, Ўзбекистонимизнинг жаҳон миқёсидаги нуфузини янада мустаҳкамлашда иқтидорли ва етакчилик салоҳиятига эга ёшлар, ёш олим ва тадқиқотчиларнинг қўшаётган ҳиссасини ошириш борасида кенг имкониятлар яратади. Тадбир доирасида ўтказилган конференциялар, маҳорат сабоқлари, интеллектуал беллашувлар, кўрик-танловлар, концерт ва кўргазмалар, соғломлаштириш акциялари, спорт мусобақалари бунинг ёрқин далилидир.

Ривожланишнинг муҳим ҳаракатлантирувчи омили бўлган инновацион фаолиятда, фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшлар муҳим ўрин тутади. Иқтидорли талабаларнинг бу йўналишдаги изланишларини қўллаб-қувватлаш, илмий салоҳиятини ошириш мақсадида фестиваль доирасида ёшлар ва мамлакатни инновацион ривожлантириш, фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг роли каби мавзуларда илмий-амалий конференциялар ташкил этилди.

– Мамлакатимизда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури асосида ёш тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани мен учун ҳам катта имкониятлар яратмоқда, – дейди Тошкент архитектура-қурилиш институти талабаси Бобур Ярашев. – Фестивалда инновациянинг мамлакат тараққиётидаги ўрнига оид мавзуда маъруза қилганимни ана шу имкониятлар самараси, деб биламан.

Тадбир давомида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчилари иштирокида форум, «Қувноқлар ва зукколар» ўйини, «Заковат» интеллектуал мусобақаси, экоконцерт, Конституциямизга оид билимлар ва ҳуқуқий маданиятни оширишга бағишланган семинар, спорт-соғломлаштириш мусобақалари, маданий тадбирлар ўтказилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида таъсис этилган ёш олимлар учун стипендиялар соҳиблари аниқланди. Қарийб олтмиш нафар иқтидорли ёшлар «Камолот» таълим гранти совриндори бўлдилар.

Ёшларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ўз иқтидори ва салоҳиятини намоён этиши учун барча шарт-шароитни яратиш, ёш авлодни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Бунинг улкан самараси баркамол ёшларнинг дўстлик байрамига айланган мазкур фестивалда ҳам яққол намоён бўлди. Юртимизда пухта билим, юксак маънавият ва интеллектуал салоҳиятга эга авлод вояга етаётгани яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Талабалар фестивалида Бухоро вилояти ҳокими С. Ҳусенов иштирок этди.

**Ҳусниддин БЕРДИЕВ,**
**Эркин ЁДГОРОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

**Ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида жорий йилнинг бошида Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, ўқув муассасалари мутасаддилари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши билан ҳамкорликда вилоят ИИБнинг ташкилий-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ҳамда барча соҳа хизматлари, шаҳар, туман ИИБларга юборилиб, ижросини таъминлаш назоратга олинди.**

# ФАРЗАНДЛАРГА ЭЪТИБОР

«Ёшлар келажагимиз пойдевори» шиори остида ўтказилган давра суҳбатларида амалдаги қонунларнинг мазмун-моҳияти ёшларга сингдириб борилди. Тадбирларнинг таъсирчанлигини ошириш учун ёшлар таҳсил олаётган ўқув муассасалари, улар яшайдиган маҳаллаларда ҳам мулоқотлар ўтказилди. «Давомат» махсус профилактик тадбири давомида ўқув машғулотларига қатнашмай юрган вояга етмаганлар аниқланди. Уларнинг 131 нафари тегишли тартибда профилактик ҳисобга олинди. 34 нафар қаровсиз ва назоратсиз қолган болалар бошқарма ҲООБ ҳузуридаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига, уч нафари эса Самарқанд шаҳридаги мактаб-интернатга жойлаштирилди. Фарзандлари тарбияси ва билим олишларига бефарқ қарайдиган 55 нафар ота-она жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги комиссиялар қарорига кўра жаримага тортилди.

Республика ИИВ ва вилоят ИИБнинг фармойишлари бўйича ташкил этилган «Ёшлар орасида наркотик воситаларининг тарқалишига қарши кураш» ойлигида ёшлар йиғиладиган тунги клуб, кафе-бар ва бошқа кўнгилочар масканларда наркотик моддалар тарқатилиши, истеъмол қилинишининг олдини олиш борасида ҳам бир қатор тадбирлар уюштирилаётгани самараси муҳим ўрин тутмоқда.

Булардан ташқари, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича ҳам самарали ишлар қилинмоқда. Ёшлар онгини заҳарлаши мумкин бўлган, зўравонликни тарғиб қилувчи, ҳаёсиз лавҳалар акс эттирилган видеотасвирларни тарқатган 41 нафар шахс аниқланиб, қонуний чора қўлланилди. Барча ўқув муассасалари яқинида жойлашган савдо дўконлари кўздан кечирилиб, эгалари огоҳлантирилаяпти. «Одам савдоси – жамият тараққиётининг заволи» рукни остида ўтказилаётган мулоқотлар жараёни айниқса, қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлаяпти.

**Шуҳрат ТЎРАЕВ,**
**вилоят ИИБ ҲООБ катта инспектори,**
**майор.**
*Қашқадарё вилояти.*

Хабар

# ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИК ОШИРИЛДИ

**Элу юрт осойишталигини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашдек масъулиятли вазифалар юклатилган ички ишлар идоралари ходимлари жисмонан бақувват, хизмат ҳамда касбий тайёргарликка эга бўлишлари лозим. Шахсий таркибнинг хизмат ва жанговар тайёргарлик даражасини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг тегишли буйруқлари асосида ҳамда тасдиқланган режага мувофиқ ички ишлар идоралари ходимлари билан ўқ отиш машғулотлари ўрнатилган тартибда ўтказиб келинаяпти.**




ИИВ Қоровул қўшинлари ҳарбий қисми дала ўқув майдонида вазирлик бош бошқарма, бошқарма ва мустақил бўлимлари шахсий таркиби ҳамда Ички ишлар вазири гуруҳига кирувчи раҳбар ходимларнинг ўқ отиш тайёргарлиги бўйича навбатдаги амалий машғулот бўлиб ўтди.

– Бу каби машғулотлар шахсий таркибнинг билим ва кўникмаларини амалда текшириб кўриш имконини бермоқда, – дейди ИИВ ШТБИХ Касбий тайёргарлик бўлими муҳим топшириқлар бўйича катта инспектори, подполковник Комилжон Сулейманов. – Хусусан, зарурат туғилганда жанговар қуролдан тўғри ва самарали фойдаланиш ҳар бир ходим учун муҳим аҳамият касб этади. Машғулотлар давомида ИИВ бош бошқарма, бошқарма ва мустақил бўлимлари ходимлари ҳамда раҳбарлари таркиби «Калашников» автомати ва «Макаров» тўппончасидан нишонга ўқ отиб, ўзларининг жанговар тайёргарликларини янада оширишди.

Шунингдек, машғулот чоғида ИИВ махсус отряд командири, полковник А. Шарапов терроризмга қарши курашиш борасидаги мавжуд замонавий техникалардан фойдаланиш усулларини намойиш этди. Шу билан бирга, портловчи қурилмаларни қидириб топиш, уларни зарарсизлантириш ва йўқ қилиш усулларини кўрсатиб берди.



ИИВ ЁХББ Республика ихтисослашган отрядининг катта инструктор-ғаввоси, капитан В. Сунгуров «RSU-6000» русумли замонавий автомобилнинг тактик-техник хусусиятлари тўғрисида батафсил маълумот бериб, ундан фойдаланиш қоидаларини тушунтириб берди.

**Қобилжон ШОКИРОВ,**
**капитан.**

**Суратларда:** *машғулот пайти.*

**Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган суратлар.**

Қўл жанги

# КУЧЛИЛАР ҒОЛИБ БЎЛИШДИ

**Республика «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти режасига мувофиқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ўртасида XIX Спартакиада дастурига киритилган қўл жанги мусобақаси ўтказилди. Унда ўн битта жамоа аъзолари ғолиблик учун кураш олиб боришди.**

Қизиқарли ва муросасиз кечган беллашувлар натижасига кўра, республика МХХ ходимлари биринчи ўринга муносиб деб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринларни республика ИИВ марказий аппарати ҳамда Тошкент шаҳар ИИББ қўл жанги усталари банд этишди.

Шахсий биринчилик баҳсларида 65, +90 килограмм вазн тоифасидаги баҳсларда К. Зокиров ва А. Маҳмараимов (Тошкент шаҳар ИИББ), 75 килограмм вазн тоифасида С. Петрянин (республика ИИВ Қоровул қўшинлари), 70, 80, 85, 90 килограмм вазн тоифасидаги беллашувларда Д. Хўжамберганов, Н. Носиров, Д. Авалбаев, А. Ҳайдаров шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Ғолиб жамоа ва спортчиларга Фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Ф. АЗИЗОВ.**

1 декабрь – Жаҳон ОИТСга қарши кураш куни

**Республикамизда ОИВ инфекцияси профилактикаси ва унга қарши кураш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларидан келиб чиққани ҳолда «2009-2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалиши профилактикаси бўйича саъй-ҳаракатлар Миллий режаси» мазкур иллатга қарши курашишда муҳим дастуриламалдир.**

# ИЛЛАТГА ҚАРШИ ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР

Миллий режанинг асосий йўналишларидан бири аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ОИВ инфекцияси профилактикаси масалалари бўйича тизимли ахборот-тушунтириш ишларини ташкил этишдир. Мазкур йўналиш бўйича ижтимоий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Халқнинг маънавий-ахлоқий негизлари ва қадриятларини ҳисобга олган ҳолда юқумли касалликлар профилактикаси, шахсий гигиена масалалари тўғрисида ўқув қўлланмалар, услубий таълим материаллари нашр этилмоқда, кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Афсуски, бу эпидемиянинг ривожланаётган мамлакатларда назоратга олиб бўлмаётганининг асосий сабаби – аҳоли кенг қатламининг керакли маълумот ва ахборотларга етарли даражада эга бўлмаслиги, шунингдек, ёшлар орасида ОИВ инфекцияси ҳақидаги билимларнинг етишмаслигидир. Шу боис бу инфекция билан зарарланган ёшлар дунё бўйича 40 фоизга тўғри келади.

Эпидемия билан боғлиқ билимсизлик, айниқса, профилактик таълимга бўлган эҳтиёжни кучайтиради. Бироқ фақатгина билимларнинг ўзи хулқ – атворнинг ўзгариши учун етарли эмас. Профилактик таълим хулқ – атвордаги хавфсираш ва заифликни камайтириш мақсадида кўрсатмалар, кўникмаларни ишлаб чиқиш, барқарор асосни яратиш учун амалга оширилаётган доирадаги менталитет ва маданиятга қаратилган бўлиши керак.

Айтиш жоизки, профилактик таълим – энг яхши вакцинациядир. ОИВ инфекцияси профилактикаси бўйича тадбирлар, саломатликка нисбатан жиддий муносабатда бўлишни шакллантириш; кўникмаларни ривожлантириш, қарор қабул қилиш, суҳбат олиб бориш, тенгдошлари таъсирини енгиб ўтиш, зарарли одатларга «йўқ» жавобини бера олиш, хавфли вазиятлардан қочиш, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш кўникмаларини шакллантиришни ўз ичига олади.

Саломатлик масалаларига оид профилактик билимлар кенг қамровли бўлиши ва соғлом турмуш тарзи кўникмаларининг шаклланишига ёрдам бериши, репродуктив, жинсий саломатлик масалаларига оид маълумотлар бериши, шунингдек, турли қарашлар ва ҳаётий қадриятлар муҳокамасини ўз ичига олиши керак.



Шундай қилиб, ОИВ инфекцияси профилактикаси комплексли, тўхтовсиз бўлиши, жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини ва жаҳонда юз бераётган глобал жараёнларни тушуниш асосида қурилиши керак. Бу ерда яхши тайёргарлик кўрган профессионаллар ёшлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришлари лозим. Чунки уқувсиз, нотўғри қурилган суҳбат орқали фойдадан кўра кўпроқ зарар етказиб қўйиш мумкин.

БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган Дастури (ЮНЭЙДС) ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ОИТС эпидемияси ҳолати ҳақидаги келтирилган маълумотларга кўра, дунёда ОИВ инфекцияси билан зарарланиб яшаётганлар сони ўртача – 33,4 (31,1-35,8) миллионни ташкил этади. ОИВ эпидемияси бошланганидан буён 60 млн. киши мазкур инфекция билан касалланган, унинг оқибатида ўлганлар сони эса 25 млн. кишига етди.

Унинг асосий ташувчиси одам ҳисобланиб, касаллик белгилари намоён бўлмаса ҳам, 3 ойдан 10 йилгача ва ундан ортиқ вақт ўзи билмаган ҳолда бошқаларга юқтириши мумкин. Вируснинг тўлиқ ҳаёт цикли анча тез, атиги 1-2 кунда ривожланади, бир кунда 1 млрд.гача вирус заррачалари шаклланади. Касалликнинг ўткир клиник кўриниш даврида камқувватлик, иштаҳанинг пасайиши, кўп терлаш, тана ҳароратининг кўтарилиши, лимфа безлари, жигар, талоқнинг катталашуви кузатилади. Бўғинларда оғриқ пайдо бўлади, бемор терисида ҳар хил тошмалар пайдо бўлади, йўталиш, кейин сабабсиз ич кетиш бошланади ва бу узоқ муддат давом этиши мумкин. Бемор турли касалликларга берилувчан бўлиб қолади ва бу ҳолат умрининг охиригача давом этади.

ОИВ инфекцияси билан зарарланишнинг 3 та йўли мавжуд: жинсий алоқа йўли билан, парентерал йўл – шиллиқ қаватнинг ва терининг жароҳатланиши орқали юқади ҳамда наркотик моддаларни қон томири ичига инъекцион йўл билан қабул қилувчилар орқали; маиший ҳаётда ишлатиладиган қон қолдиқлари билан ифлосланган шахсий гигиена буюмлари (тиш тозалаш, соқол олиш мосламалари, тери қопламасининг бутунлигига зарар етказадиган ўткир ва кесувчи асбоблар) орқали ҳам вирус юқтириш эҳтимоли бор.

Учинчиси эса вертикал йўл билан инфекциянинг онадан болага юқиши бўлиб, зарарланган онадан болага ҳомиладорлик, туғруқ ва кўкрак сути эмизиш вақтида ўтади. Айниқса, боланинг ОИВ инфекцияси билан зарарланиш хавфи туғруқ вақтида (60 фоизни ташкил этади) жуда юқори бўлади.

ОИВ инфекцияси профилактикаси ва унга қарши кураш борасида ҳукуматимиз қарорлари ижросини таъминлашда Ички ишлар вазирлигининг тегишли соҳавий хизматлари вакилларидан иборат мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ режалар асосида профилактик чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкор режалар асосида жойларда мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчи-ёшларига «Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда диний-экстремистик таъсирлардан, «оммавий маданият» хуружларидан ҳимоя қилиш» мавзусида йил давомида давра суҳбатлари, ўзаро мулоқотлар ўтказиб келинмоқда.

Шунингдек, вазирлик тизимидаги таълим муассасалари ва ҳарбий қисмларда ҳам бу борада муҳим тарғибот ишлари олиб борилаяпти. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таҳдид ва хатарлардан асраш борасидаги ишларни янги босқичларга кўтариш каби устувор йўналишлар мазкур ишчи гуруҳининг асосий дастуриламалига айланган. Зеро, ёшлар халқимиз ва юртимиз, давлатимизнинг таянчи. Бундай оғир касалликлар юртимиз ёшлари орасида учрамаслиги учун барча бирдай ҳаракат қилиб, масъулиятни ҳис этса, кутилган натижага эришиш мумкинлигини фуқароларимиз англамоғи даркор.

**Ботир ФОЗИЛОВ,**
**ИИВ СЭНБМ ОИТС**
**профилактикаси бўйича**
**эпидемиолог-шифокори,**
**капитан.**

## Детектив қисса

*(Давоми. Бошланиши ўтган сонда).*

# «ВУЛҚОН»НИНГ СЎНГГИ МАНЗИЛИ

Фармонов унча-мунча нарсага куйиб-ёнадиган одам эмас эди. Бундан ўттиз йилча муқаддам, биринчи хотини уни бегона аёл билан ушлаб олиб, кейин ўзини дарёга ташлаб ўлдирганда ҳам битта туки қилт этмаган, таниш дўхтирлардан хотинига руҳий касал эди, деган қоғоз тўғрилаб, ҳаммасини босди-босди қилиб юборганди.

Ҳозир ҳам ўғирланган буюмлару, тилла тақинчоқларга унчалик ачинмади. Бунақа нарсаларни сотиб олиш унга писта чаққандай гап эди. Шотирларига бир имо қилиб қўйса, биттамас, ўн битта телевизор олиб келиб ташлашади. Шунақаку-я, лекин «фалончиникига ўғри тушибди» деган миш-миш хунук бўларкан. Ҳали ички ишлар идорасига, ҳали прокуратурага қатнаш, минг бир хил саволлару жавоблар, кўрсатмалару тушунтиришлар... Фармоновни бунақа ортиқча даҳмазаларга тоқати ҳам, вақти ҳам йўқ эди.

Қизиғи шундаки, унга ёмон таъсир қилган нарса, ўғирланган моллару-буюмлар эмас, куни кеча фалон пулга сотиб олган «Рекс» лақабли зотдор итининг ҳам йўқолиб қолгани бўлди. Йўқ. На тиригини, на ўлигини топа олди.

Шу итга ишқибоз бўлиб, олиб келганди. Ўша куни уч-тўртта шериклари билан Сирдарёдан қайтиб келишаётганди. Йўл-йўлакай, Чинозда балиқхўрлик қиламиз, деб тўхташди. «Рекс»ни шу ерда кўрди. Қозоқбашара, пакана бир йигит уни етаклаб юрган экан. Кўриб ҳаваси келди. Айиқдек баҳайбат, қулоқлари кесилган, боши катта, оёқлари бақувват, зотдор кавказ овчаркаси эди.

Хуллас, йигитни чақириб, итни сотасанми, деди. Йигит йўқ, дегандек бош чайқаб ўтиб кетди. Кейин ҳовуз бўйида ўтирган улфатларнинг олдига бир рус йигитни бошлаб келди. Фармонов ушлаганини қўймайдиган одам эмасми, савдолашиб ўтирмади. Қанча сўрайсанлар, деди. Рус йигит осмондан келди. Фармоновга шуниси ёқмади. Йўқ деса, итдан айриладиган. Бу ёқда шериклари унинг оғзига қараб ўтиришибди. Номус кучли. «Мени ким деб ўйлаяпти, бу олифта?» деган хаёлда бўпти, оламан, дедию, пулини нақд санаб берди. Итни машинасининг юкхонасига ортишди. Маъқулгина экан. Бир ғингшиб қўйдию, индамади.

– Агар ёқмаса, ўзим қайтариб оламан. Мушукдеклигидан катта қилганман, – деди рус йигит ва Фармоновнинг турар жойини сўраб олди.

Итнинг лақаби «Рекс» экан. Фармонов эртасигаёқ унга бино қўйиб, ҳовли этагига махсус ин қурдирди. Олдига сўнгак-гўшт, колбасаю сосискаларни тўкиб ташлади. Ошна-оғайниларига мақтанганди, келиб кўришди. Ит ҳаммага ёқди. Бири асли зоти айиқ бўлса керак, деди. Бошқаси кўз тегмасин, бўйнига тумор осиб қўйинг, деб маслаҳат берди. Яна бошқаси насиб қилса, энди «Рекс» билан бир овга чиқамиз, деб ният қилди.

Фармонов эса оғзи қулоғида эди. Сабаби, бу ит ўзининг важоҳати билан уч қаватли «евроуй»ю, жаннатдек ҳовлига жуда ярашганди. Шунга қарамай, итнинг янги жойга кўникиши қийин кечди. Негадир инига кириб, тескари ётиб олди. Фармонов «касал-пасал эмасмикан?» деб ундан хавотирланиб, ветеринарга кўрсатди.

Эртасига бўлса, жонивор бегонасираб, занжирини узгудек бўлиб, ўзини ерга уриб, осмонга отди. Кун бўйи симтўрга ўзини уриб, акиллади. Қани энди тинчита олса. «Рекс»лаб тоза айланиб-ўргилди. Ит бўлса, лақабини эшитса ҳам пинагина бузмас, калта қулоқларини чимириб, истар-истамас, ер остидан бир қараб қўярди холос. Фармонов бир кўнгли унинг лақабини ўзгартирмоқчи ҳам бўлдию, ўзиники қолаверсин, деб айниди.

Фармонов кетган пулига эмас, ана шу итининг йўқолиб қолганига кўп сиқилди. Аввалига уни ўғрилар ўлдириб кетган бўлмасин деб, ҳаммаёқнинг тит-питини чиқариб ташлади. Топилмади. Кейин «Ростдан ўлдириб кетишган бўлса-я» деган хаёлга бориб, маъюс тортди. Шундоқ ажойиб итдан ажраб қолгани алам қилди. Лаънати хотини бўлса, ҳеч вақони билмайди. Бир уйда эдим, кўрмадим деса, бир кўча эшик қулф эди, дейди. Бир «Рекс»ингиз инида ётганди деса, бир ҳеч нарса эсимда йўқ, деб довдирайди. Ўша босқинчи-ўғрилар қачон, қанақа қилиб уйга кириб келишган, қай тариқа чиқиб кетишган, ҳеч ким аниқ билмайди. Энг ажабланарли томони, на хотини дод-фарёд қилган, на ит ириллаб, бегона одамларга ташланган. Ички ишлар ходимларининг аралашгани ҳам ёмонмас шекилли. Кўз очиб-юмгунча ўғрилар эски «РАФ» машинасида келишгани, уларнинг айрим белгиларини топишди-ку! Ажабмас, «Рекс»нинг ҳам дараги чиқиб қолса.



Фармонов бир неча кун давомида шу хил ўйлару, хаёллар билан ўзини чалғитиб, овутиб юрди, барибир бўлмади. Ҳадеб ичини ит тирнайверди. Ҳар сафар итининг ҳовли этагидаги инига, ерда қора илондек чувалашиб ётган икки қулочча келадиган занжирига кўзи тушгач кайфияти бузилиб, ўзини қўярга жой тополмай қолди. Уч-тўрт ишончли йигитларини шаҳарнинг тўрт тарафига юборди. Аммо улар ҳам қуруқ қўл билан қайтиб келишди. «Рекс» ерда ҳам, кўкда ҳам йўқ эди.

* * *

Капитан Саидов Фарғонага сим қоқиб, қайнотаси билан гаплашганидан кейингина кўнгли сал хотиржам бўлди. Аввалига ундан ҳол-аҳвол сўради, қутлуғ ёши билан табриклади, кейин аҳволни тушунтиришга ҳаракат қилди.

Генерал Мирзаев ҳар қандай вазиятни тўғри тушунадиган, одамнинг ҳолати, руҳиятини тез ва аниқ ҳис қила оладиган одам эди, тушунди.

– Ҳеч қанақа юбилей-пубилей йўқ, – деди у кулиб. – Мен ўзим ҳам бунақа дабдабаларга қаршиман. Биров етмишга кирибсиз, деса, алам қиларкан одамга. Бу ёшнинг нимасини табриклаб, нишонлаб бўлади? Ҳали у еринг оғрийди, ҳали бу еринг! Кўз хиралашган, қулоқ яхши эшитмайди. Бунинг устига, «склероз». Ҳовлига нимага чиққанингни эслаёлмайсан. Нимасини табриклашади, ҳайронман? – деб кулдирди.

Капитан Саидов эртасигаёқ хотини билан қизи йўлга чиқишини айтиб, қарияни тинчлантирди. Гап орасида ўзини банд бўлиб қолгани, янги топшириқ беришгани, бир иложини қилиб, шанба куни етиб боришини айтди. Қайнотаси бунга жавобан туғилган кунни катта муаммога айлантирманг, деди. Саидов телефон гўшагини қўяркан, беихтиёр эксперт-криминалист Умаровнинг қайнотаси ҳақида айтганларини эслади: «Ҳа, генерал Мирзаев зўр одам!»

***

Энг қийини Фармоновнинг хотини Зумрадхонга бўлди. Ўша, ўғри тушган кун уйда бўлган одам ҳам, ҳамма воқеа-ҳодисаларга гувоҳ бўлган ҳам ёлғиз ўзи! Лекин нимани гапиради? Капитан Саидов, прокуратура терговчиси Фатхулла Ғуломов деганлари ҳам ўлгудек эринмаган одамлар хилидан экан. Ҳадеб тўтиқушдек бир хил саволларни бераверишади. «Соат нечи эди?» – сўрайди бири. «Кундузи... тўрт-бешлар ораси эди» – дейди Зумрад. «Сиз қаерда, нима иш қилаётгандингиз?», «Эшик қўнғироғи жиринглаганда уни ким очди?» Зумрад нима дейишини билмайди. Узуқ-юлуқ жавоб беради. Бу терговчини ҳам капитанни ҳам қониқтирмайди. Яна «ҳужум»га ўтишади.

«Наҳотки, ўша босқинчиларнинг бирон белгисини эслаб қололмадингиз?» деб сўрайди бири. «Нега индамай ўтиравердингиз?» – дейди иккинчиси. «Ким биринчи бўлиб уйга кириб келди? Ким сизни арқондан бўшатди?» давом эттиради биринчиси.

Қисқаси, бунақа савол-жавоблар Зумрадхонни гангитиб қўйди. «Бошқа ҳеч нарса деёлмайман. Ҳаммасини ёзиб берақоламан» дедию, сал қулоғи тинчиди. Бирон санаторийми ёки пансионатда ётиб, дам олиб чиқмоқчи эди, унашмади. «Калаванинг учи топилсин, кейин даволанаверасиз», дейишди. Зумраднинг ўзига қолганда-ку, бу ҳайҳотдек ҳовлига ҳам, данғиллама уйга ҳам киргиси йўқ, юраги увушиб қолган, негадир бу ерда ёлғиз қолишдан қўрқарди. Шунинг учун консерваторияда ўқийдиган жиянини уйга олиб келди. Ҳар ҳолда ёнида кимдир бўлгани яхши-да! Эрини бўлса, дунёни сув босса тўпиғига чиқмайди. Тайини йўқ. Уззукун уйда бўлмайди. Уйга қачон келиб, қачон кетишини ҳам аниқ айтиш қийин...

Прокуратура терговчиси Фатхулла Ғуломовнинг ҳам боши қотиб қолди. Туман ички ишлар бўлими тезкор гуруҳидан пешма-пеш маълумот олиб туришига қарамай, ҳадеганда иш юришавермади.

Жабрланувчи Холмат Фармоновдан ҳам, хотинидан ҳам тайинли бир гап чиқмади. Айниқса, Зумрадхон жуда қийнаб юборди. Ягона гувоҳ шу. Лекин бир оғиз пичоққа илинадиган гап айта олмайди. Тўғри, аёл киши. Қўрқиб кетган бўлиши мумкин. Бир гапи иккинчисига тўғри келмайди, ҳеч нарсани эслаёлмайди.

Маълум бўлишича, у мусиқа мактаби кутубхонасида ишларкан. Ўзиям яхшигина скрипка чаларкан. Аниқланишича, ўша куни ишдан эртароқ қайтган. Уйда ёлғиз ўзи бўлган. Кўча эшикни ёпганми ё очиқ қолдирганми, аниқ билмайди. Бир «ичкарида эдим» дейди, бир «ухлаётувдим» дейди, бир «ҳеч нарсани эслаёлмайман» дейди.

Қўни-қўшнилардан ҳам дурустроқ далил ё кўрсатма ололмади. Фармонов бир вақтлар иморат қураётганида уйи қўшни ҳовлини тўсиб қўйгани учун ён қўшнилари билан келишолмай қолган, ўша-ўша ўрталарига совуқчилик тушиб, салом-аликниям йиғиштириб қўйишган экан. Улар гувоҳлик беришдан бош тортишди. Фақат кўчадан велосипед ҳайдаб ўтиб қолган почтачи болагина Фармоновнинг эшиги ёнида яшил тусли «РАФ» машинаси турганини кўргани, машинанинг олд ойнасига «Газ авария хизмати» деб ёзиб қўйилганига кўзи тушганини айтди, холос. Аммо машина ёнида ҳеч кимни кўрмаган, на унинг давлат рақамини, на бирон белгисини айтиб беролди.

Тезкор вакил туман газ идорасига бориб суриштириб келди. У ерда ҳеч қанақа «РАФ» русумли машина йўқ, борлари ҳам уч-тўрт йил бурун яроқсиз бўлиб кетганидан кейин топшириб юборилган, уларнинг бири бўлакларга ажратиб ташланган, иккинчиси қандайдир тадбиркоргами, фермерга сотиб юборилган экан.

*(Давоми бор).*

**Эркин УСМОНОВ.**

## Жиноятга жазо муқаррар

# ҚЎШМАЧИГА ҚЎШ ЖАЗО

**Одам баъзан билиб-билмай хатога йўл қўяди. Боши деворга урилгачгина нотўғри йўлда эканини англайди-ю, хатосини тузатишга ҳаракат қилади. Эҳтимол инсоннинг бошқа мавжудотлардан улуғлигини белгиловчи фазилатларидан бири шудир. Бироқ ҳалол билан ҳаромнинг, савоб билан гуноҳнинг фарқига бормайдиган шахслар учун ўз хатосини тузатиш уёқда турсин, уни англаб етиш ҳам амри маҳол экан.**

Наманган шаҳрида туғилган Қ. Хуршида энди 26 ёшни қаршиламоқда. Оиласиз, икки фарзанди бор. Тубанликни қарангки, у норасидаларининг келажагини ўйламай, жирканч ишга қўл урди.

– 2009 йилнинг сентябрь ойида дугонам иккимиз Хуршида опа билан танишиб қолдик, – дейди гувоҳ тариқасида кўргазма берган қизлардан бири. – Бир киши билан ойига 30 минг сўмдан келишиб, унинг хонадонида яшай бошладик. У мижозларнинг кўнглини олишимизни айтиб, шарт-шароит яратиб берди. Бунинг эвазига бизга нотаниш йигитлардан ўн минг сўмдан пул олар эди.

Қ. Хуршидага ўтган йили ушбу қилмиши учун қўзғатилган жиноят иши амнистия туфайли ҳаракатдан тўхтатилган эди. Бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмаган аёл яна хонадонини фоҳишахонага айлантирди. Одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаб, такроран қўшмачилик билан шуғулланди. Кўза кунда эмас, кунида синади, дейилганидек, Хуршида навбатдаги жиноят устида ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди.

– Хуршида опани олдиндан танийман, – деди воқеа жойида сири очилган йигитлардан бири. – Шу куни у кишиникига борган эдим. Хонадонида Мамура, Дилноза ва Рақиба исмли жувонлар бор экан. Бироз гаплашиб ўтирганимиздан сўнг Хуршида опа аёллардан бирортаси билан дам олмоқчи бўлсанг 12 минг сўм берасан, деди. Унга фақат 6000 сўм пулим борлигини айтган эдим шунга ҳам рози бўлди.

Хуршида жирканч йўл билан боқаётган фарзандлари эртага ким бўлиб вояга етишини наҳотки билмайди?! Қолаверса, унинг ножўя ишига қўни-қўшнилар, маҳалла фаоллари нега лоқайд муносабатда бўлиб келишди.

Қ. Хуршида қилмиши учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига биноан яна қонуний жазога тортилди.

**Фурқат МАМАЖОНОВ,**
**майор.**
*Наманган вилояти.*

## Эҳтиёт бўлинг, фирибгар!

# ЧУМЧУҚ ДОНИМ ЕБ КЕТДИ...



**Орамизда инсоннинг гўзал туйғуларидан бири саналган ишончни суиистеъмол қилиш орқали мўмай даромад орттиришни кўзловчи, бошқача айтганда, қўйнингга илондай кириб олиб ўз ғараз мақсадини амалга ошириш учун, пайт пойловчи фирибгарлар ҳам йўқ эмас. Улар асосан табиатан содда одамларни қармоғига илинтиради, деган қарашлар бугун эскирди. Ўзини «ишнинг кўзини биладиган», «замонавий тадбиркор» қилиб кўрсатувчи бу тоифа шахслар учун айтиш мумкинки, «ўлжа»нинг катта-кичиги бўлмайди.**

Тошкент вилоятидаги тахта бозорлардан бирида тадбиркорлик билан шуғулланаётган М. Ҳасаннинг ёнига шу ерда ишловчи А. Ғайрат келиб, унинг ёғочларини тез ва қиммат нархда сотиб бериши мумкинлигини айтди. Тахталар у қадар тез сотилмаётгани учун ҳам М. Ҳасан сотиб бўлгач пулини бериш эвазига «кўз таниш» бўлган Ғайратга бир вагон тахта берди. Орадан бироз вақт ўтиб Ғайрат пулнинг бир қисмини келтириб бериб, кейинги вагондаги тахталарни ҳам сўради. Пулларни эса албатта сотиб бўлиб беришга ваъда берди. Шу тариқа А. Ғайрат оз эмас-кўп эмас, нархи 44 минг 600 АҚШ доллари бўлган тахталарни алдов йўли билан қўлга киритди. Сўнг эса «тутқич бермас қасоскор»га айланди.

– Халқимизда қўл билан берганни оёқ билан оласан, деган гап бор. Бу фикр айнан мана шундай фирибгарлар учун айтилган бўлса керак, – дейди жабрланувчи М. Ҳасан. – Орадан анча вақт ўтишига қарамай Ғайратдан тахтанинг пулини қайтариб ололмадим. У ҳар сафар турли баҳоналар билан алдаб келди. Охир-оқибат ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилишга мажбур бўлдим.

«Чумчуқ доним еб кетди, эртага келаман, деб кетди», деганларидек А. Ғайрат ҳар гал М. Ҳасанни кўрганда турли важ-карсонларни тўқиб, ундан ўзини олиб қочиб юраверди. Бироқ ножўя ҳаракати учун қонун олдида жавоб бериши муқаррарлигини ўйламаган кўринади. Ваҳоланки, бузоқнинг югургани сомонхонагача. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, А. Ғайратга нисбатан қонуний чора кўрилди.

Кези келганда шуни айтиш керакки, ҳар қандай жиноий қилмиш ҳам айнан шу ҳаракат содир учун қулай имконият мавжуд бўлган муҳитда содир бўлади. Демоқчимизки, фирибгарларнинг ғараз мақсадга эришишига жабрланувчилар ҳам билиб-билмай ёрдам кўрсатишмоқда. Пул, мол-мулк билан боғлиқ олди-берди масалалар қонунан расмийлаштирилиб, гувоҳлар иштирокида амалга оширилса ёхуд фирибгарнинг қилмишлари юзасидан ўз вақтида ҳуқуқ-тартибот идораларига хабар берилса, фойдадан холи эмас.

Ҳар бир фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши англаб, қонунларни пухта ўзлаштириши, бировларнинг «беминнат хизмати»дан фойдаланишдан олдин, ақл билан обдон ўйлаб кўриши эса фирибгарларнинг найрангига қарши энг самарали воситадир.

**Алижон ХУДАЙБЕРДИЕВ,**
**капитан.**

# БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

**Бедарак йўқолган қуйидаги фуқаролар Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани ИИБ томонидан қидирилмоқда.**



**Бекмурод Аминбаевич ШАМУРАТОВ.** 1985 йилда туғилган. Беруний тумани У. Жуманиёзов номли деҳқон фермерлар уюшмасида яшаган, руҳий касал. 2008 йил 4 сентябрь куни кечқурун уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 170-175 см, ўртача гавдали, сочи, кўзлари, қошлари қора, юзи чўзиқроқ, қулоқлари ёпишган.

**Кийимлари:** эгнида кўк йўл-йўл кўйлак, кўк рангли спорт кийими, жинси шим, оёғида резина шиппак бўлган.

* * *



**Гулмира Базарбаевна БАЙЛЕПЕСОВА.** 1986 йилда туғилган. Беруний тумани «Шоббоз» овул фуқаролар йиғинида яшаган. 2010 йил 19 май куни эрталаб вояга етмаган икки фарзандини олиб уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 165–170 см, озғин гавдали, юзи чўзиқроқ, сочи қора узун, кўзлари қисиқроқ, қора, қошлари сийрак, пешонаси кенг, қулоқлари ёпишган.

**Кийимлари:** эгнида қизил, гулли кўйлак, бошида қора, гулли рўмол, оёғида чарм шиппак бўлган.

Фарзандлари эгнига бир хил майка ва шортик кийган.

* * *



**Озода Сайтназаровна ФАЙЗУЛЛАЕВА.** 1994 йилда туғилган. Беруний тумани «Шоббоз» овул фуқаролар йиғинида яшаган. 2010 йил 20 август куни кундузи уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 170–175 см, ўртача гавдали, сочи қора, узун, қошлари қора, сийрак, кўзлари қора, лаблари ингичка.

**Кийимлари:** эгнида қора нуқтали кўйлак, оёғида оқ шиппак бўлган.

* * *



**Джамалиддин Розимович ДЖУМАНОВ.** 1974 йилда туғилган. Беруний шаҳри Маданият кўчаси 46-уйда яшаган, руҳий касал. 2010 йил 8 сентябрь куни эрталаб уйидан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 170-175 см, ўртача гавдали сочи, кўзлари қора, қошлари қора, сийрак.

**Кийимлари:** эгнида кўк кўйлак, қора шим, оёғида қора туфли бўлган.

**Юқорида номлари қайд этилган фуқароларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан Беруний тумани ИИБга (8-361) 524-27-02 рақамли телефон орқали ёхуд яқин орадаги ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.**

# ОВМИ ЁКИ ҒАВҒО?

**Ўлкамиз табиати жуда бой. Гўзал ва хушманзара гўшалари, тоғу кўлларида яшайдиган жониворлар, айниқса, қушларнинг саноғига етиш қийин. Аммо бу хоҳлаган киши уларни овлаб кетиши мумкин дегани эмас. Чунки она табиатимиз давлат муҳофазасида. Қушларнинг бир неча тури Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган. Уларни нафақат овлаш, яшаш жойидан безовта қилиб, кўчириб юбориш ҳам ман этилган. Ана шулардан бири – қийқирдоқ оққуш. Бу ёввойи парранданинг асосий қисми Ҳайдар кўли ҳавзасида яшайди.**



Фарғоналик Н. Шуҳрат Мирзачўлга меҳмонга келиб, мезбонни Арнасой кўлига овга боришга қистади.

– У ерда ов қилиш учун рухсатнома бўлиши керак, – деди мезбон Ҳошим ака.

– Ундан хавотир олманг, овчилик жамиятига аъзоман, рухсатномам ҳам бор, – деди Шуҳрат.

Мезбон истар-истамас уни кўлга бошлади. Шуҳрат қўлида ов милтиғи билан қирғоқда айланиб юриб, икки оққушга кўзи тушди. Ҳошим ака ҳам уларни кўриб:

– Табиатнинг мўъжизасини қаранг, жониворлар худди рақс тушаётгандай сузади-я, – деди завқланиб.

Меҳмоннинг эса нияти бошқа эди. Ҳошим ака оққушларга қарата милтиқ ўқталган Шуҳратни бу шаштидан қайтармоқчи бўлди.

– Қизиқ экансиз-ку, кичкина ўрдакдан нима ҳам гўшт чиқарди. Оққушлар роса семирибди, қозон тўлади, – деди Шуҳрат ва кетма-кет ўқ узиб, икковини ҳам қулатди. Қамишлар орасидан бориб, жониворларни олиб чиқаётганида, ўқ овозини эшитган республика Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Айдар-Арнасой сув ҳавзаси бўйича масъул инспекторлари етиб келишди. Қизил китобга киритилган оққушларни отиб, нобуд қилгани юзасидан баённома тузилиб, Н. Шуҳратнинг ов милтиғи Мирзачўл тумани ИИБга топширилди.

– Тергов давомида Н. Шуҳрат турли баҳоналарни рўкач қилди, – дейди туман ИИБ тергов бўлинмаси бошлиғи, капитан Ваҳоб Бегмуродов. – У гўё ғоз деб оққушларни отиб қўйганмиш. Бу қандай овчики, оққуш билан ғознинг фарқига бормаса. Кейин қийқирдоқ «Қизил китоб»га киритилганидан бехабар эдим, дейишга тушди. Ваҳоланки, у овчилик жамиятига аъзо эканлигини пеш қилганини инобатга олсак, табиатни муҳофаза қилиш тизими ходимлари биринчи галда ноёб ҳайвонлар, қушларни яхши билишлари керак-ку.

Шундай қилиб, Н. Шуҳрат ўзининг ғайриқонуний ҳаракатлари билан махсус қўриқланадиган табиий ҳудуддаги ҳайвонот ва ўсимлик оламидан фойдаланиш тартибини бузиб, давлатга жуда катта миқдорда зарар етказди. У қилмишига яраша жавоб беради.

**Садриддин ШАМСИДДИНОВ.**
*Жиззах вилояти.*

## Гиёҳфурушларга шафқат йўқ!

# ЯНА БИР ЖИНОЯТ ФОШ ЭТИЛДИ

**Вилоят ва Фарғона шаҳар ИИБ ҳамда бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳамкорликда ўтказган тадбир пайтида кўп миқдордаги гиёҳвандлик моддалари тарқалишига йўл қўйилмади. Бағдод туманида яшовчи А. Актам 5 миллион 400 минг сўм эвазига гиёҳвандлик моддаси сотаётган вақтда қўлга олинди.**

Ички ишлар ходимлари А. Актамнинг хонадонини кўздан кечириш учун боришганда шу қишлоқда яшовчи С. Дилфуза уйининг кўча томондаги деразасидан хўжалик сумкасини олиб қочиб кетмоқчи бўлганида қўлга олинди. Сумка ичида 5 та полиэтилен парчасига ўралган героин борлиги аниқланди.

А. Актам яшайдиган хонадондан 450 минг сўм пул, омборхонасидан 60 миллион 550 минг сўм пул, 2467 АҚШ доллари, 110 Россия рубли, икки дона аёллар узуги, қўл занжири, 5 дона кулон, соатлар, «WEIRONG» русумли пул санаш аппарати, 1 дона «JVC» видеокамераси, бир дона «SAMSUNG» русумли фотоаппарат ашёвий далил сифатида олинди.

Вилоят ИИБ ЭКБ хулосасига кўра А. Актам ва унинг хонадонидан олинган гиёҳвандлик моддалари 327 грамм героин ва 3 килограмм 300 грамм гашиш эканлиги тасдиқланди.

Мазкур жиноятни фош этишда вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ ходимлари, подполковник Қаҳрамонжон Сафаров, майор Ёдгорбек Мадраҳимов, Фарғона шаҳар ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ ходимлари, капитан Абдуваҳоб Темирзаков, катта лейтенант Шерзод Холматов, лейтенант Хуршид Дадажоновлар юқори даражадаги касб маҳоратларини намойиш этишди.

**Бўрибой ОМОНЗОДА,**
**подполковник.**
*Фарғона вилояти.*

## ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТЛАРИ ОБОД БЎЛСИН!

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги полковник Турсинбай Ешбаевга турмуш ўртоғи, подполковниклар Бахтияр ва Ихтияр Ешбаевларга онаси

**АЛИМА аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Самарқанд шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази раҳбарияти ҳамда шахсий таркиби марказ навбатчилик қисми бошлиғи, подполковник Самандар Рўзимуродовга қизи

**САБИНАнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши вилоят ИИБ МИБ бошлиғи ўринбосари, майор Зокир Қўқоновга отаси

**ҚЎЙБОҚ бобонинг**

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Транспорт ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши алоҳида милиция батальонининг Ховос темир йўл бекатига хизмат кўрсатиш бўйича иккинчи гуруҳи ходими, сафдор Муса Сидиқовга отаси

**Абдулло НОРМУРОДОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.




# РАВШАН ЭРМАТОВ – ОСИЁНИНГ ЭНГ ЯХШИ ҲАКАМИ



**Ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов кетма-кет учинчи маротаба Осиёнинг "Энг яхши ҳаками", деб эътироф этилди.**

**Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) томонидан жорий йилги футбол мавсумининг турли номинациялари бўйича ғолибларни тақдирлаш мақсадида ташкил этилган тантанали маросимда ОФК Ҳакамлар қўмитаси раиси Юсуф Ал-Серкал (Бирлашган Араб Амирликлари) Равшан Эрматовга қитъамизнинг "Энг яхши ҳаками"га аталган махсус совринни топширди.**

Бу соврин ОФК шафеълигида ташкил этиладиган футбол учрашувларини бошқарадиган ҳакамлар учун энг юксак эътирофдир. "Энг яхши ҳакам" номинацияси ғолибини аниқлашда халқаро учрашувларда инспекторлар томонидан рефериларга қўйилган баҳо асос қилиб олинади. Бундан ташқари, ОФК совринига даъвогар ҳакамларга учрашув давомида юзага келадиган мураккаб вазиятларда ўзини йўқотиб қўймаслик, футболчиларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш, футбол қоидаларини тўғри қўллаш каби талаблар ҳам қўйилган.

Ана шундай мураккаб ҳисоб-китоблар натижасига кўра, Р.Эрматов бу йилги футбол мавсумида қитъамиз ҳакамлари ўртасида энг юқори кўрсаткични қайд этди ва асосий рақобатчилари – япониялик Юичи Нишимура ва Саудия Арабистони вакили Халил Ал-Ҳамдийни ортда қолдирди. Ҳамюртимизгача ҳали ҳеч ким кетма-кет уч марта Осиёнинг энг яхши ҳаками сифатида тан олинмаган.

Равшан Эрматов 2003 йилдан буён Халқаро футбол уюшмалари федерацияси – ФИФА таснифидаги учрашувларни бошқариб келади. 33 ёшли ўзбекистонлик ҳакам ўтган йиллар давомида ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатлари, Осиё чемпионлар лигаси, клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатлари учрашувларини бошқарди.

Жорий мавсум унинг фаолиятида жуда муваффақиятли бўлди. Ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов ва унинг ёрдамчиси Рафаэль Илёсов илк бор футбол оламининг энг нуфузли мусобақаси – Жанубий Африка Республикаси яшил майдонларида ўтказилган жаҳон чемпионатида иштирок этди.

ФИФА мутасаддилари Равшан Эрматов бошчилигидаги ҳакамлар бригадасига ўта масъулиятли вазифани – Жанубий Африка Республикаси ва Мексика терма жамоалари ўртасидаги учрашув билан бошланадиган жаҳон чемпионатининг биринчи ўйинини бошқаришни ишониб топширди. Умуман олганда, Р.Эрматов нуфузли мусобақада энг кўп – беш учрашувда бош ҳакамлик қилди. Бу Осиё ҳакамлари учун рекорд натижадир. Футбол тарихида эса Равшан Эрматовгача фақат икки ҳакам – аргентиналик Орасио Элисондо ҳамда мексикалик Бенито Арчундиа 2006 йилги жаҳон чемпионатида бештадан учрашувни бошқарган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 20 июлдаги фармонига кўра, ўзбек футболининг шуҳратини жаҳонга танитиш, халқаро майдонда унинг нуфузини юксалтиришда ибрат ва намуна кўрсатгани, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА рефериси Равшан Эрматов "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони билан, халқаро тоифадаги ҳакам ва ФИФА рефериси Рафаэль Илёсов эса "Дўстлик" ордени билан мукофотланди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

# СПОРТИМИЗ ЮЛДУЗЛАРИ

**Хитойнинг Гуанжоу шаҳридаги XVI Осиё ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси мусобақада 11 олтин, 22 кумуш ва 23 бронза – жами 56 медаларни қўлга киритдилар.**
**Қуйидаги спортчиларимиз олтин медални қўлга киритиб, чемпион деган шарафга сазовор бўлишди.**



**Рустам ҚОСИМЖОНОВ, тезкор шахмат**



**Ришод СОБИРОВ, дзюдо**



**Владимир ТЎЙЧИЕВ, велоспорт**



**Юлия ТАРАСОВА, кўпкураш**



**Дилшод МАНСУРОВ, эркин кураш**



**Вадим МЕНЬКОВ, каноэда эшкак эшиш (1000 м.)**



**Элшод РАСУЛОВ, бокс**



**Артур ТАЙМАЗОВ, эркин кураш**



**Светлана РАДЗИВИЛ, баландликка сакраш**

**Шунингдек, икки каноэчиларимиз Серик Мирбеков ва Герасим Кочнев 1000 метр масофага ўтказилган жуфтлик пойгаларида ҳамда байдаркада бир километрга эшкак эшиш бўйича тўртликлар ўртасидаги пойгада Сергей Борзов, Алексей Бобожонов, Алексей Мочалов ва Вячеслав Горнлар олтин медални қўлга киритишди.**




# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

## ҚЎЙ.

Ҳафта бошида ҳавойи орзуларга берилманг, акс ҳолда бехосдан қонунбузарлик содир этиб қўйишингиз мумкин. Анчадан буён кутиб юрган сафарингиз амалга ошмай қолиши эҳтимоли бор. Кейинроқ оқибатидан ўзингиз уялиб қоладиган ишга қўл урманг. Белгиланган тартиб-қоидаларни айланиб ўтишга уринманг. Чунки қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади. Чоршанба ёки пайшанба куни долзарб масалаларни ҳал эта оласиз.

## СИГИР.

Дастлабки кунлар дўстлик алоқаларингиз бузилиб қолишидан эҳтиёт бўлинг. Бунинг учун аввало уларни қаттиқ танқид қилишдан тийилинг, эътирозларингизни юмшоқ тарзда баён этинг. Хатти-ҳаракатларингизни ҳам назорат қилинг. Чоршанба, пайшанба кунлари омадли бўлади. Бу ҳафта оилавий тантаналарни ўтказиш, сайру саёҳатларга чиқиш учун қулай. Ҳали оила қурмаган бўлсангиз, саёҳат чоғида бўлажак умр йўлдошингизни учратиб қолишингиз мумкин.

## ЭГИЗАКЛАР.

Ҳафта анчайин масъулиятли, мураккаб ўтади. Ўз нуқтаи назарингизни қатъият билан ҳимоя қилишингизга тўғри келади. Турмуш ўртоғингизга бўлар-бўлмасга эътироз билдираверманг. Ҳамкорларингиз билан турли низолар келиб чиқмаслиги учун ўзаро муносабатларингизни шартнома воситасида қонунийлаштириб қўйинг. Ҳафтанинг ўрталари кундалик маиший масалаларни ҳал этиш учун қулай. Тиббий муолажалар самарали бўлади.

## ҚИСҚИЧБАҚА.

Ушбу ҳафтада кундалик ташвишларингиз кўпайиб кетади. Иш ва ўқишни бирга олиб боришда пича қийналасиз. Сафарга чиқолмай қолсангиз кўп ҳам хафа бўлманг. Соғлиғингизни асранг, айниқса, шамоллаб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Ҳафтанинг ўрталарида янги танишлар орттирасиз. Ҳафтанинг иккинчи ярмида оила аъзоларингиз билан сайру саёҳатга чиқсангиз, вақтингиз кўнгилли ўтади. Фарзандларингиз билан кўнгилочар тадбирларга боришингизни маслаҳат берамиз.

## АРСЛОН.

Оилавий муносабатларингизда мураккабликлар юзага келади. Бунга қизиққонлигингиз ва кўполлигингиз сабаб бўлиши мумкин. Ҳамкорларингиз билан алоқаларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилинг. Оммавий кўнгилочар тадбирларда одоб-ахлоқ доирасидан чиқманг. Чоршанба, пайшанба кунлари оилавий маросимлар файзли ўтади. Ҳафта давомида яқинларингизга эътиборли бўлинг, ғамхўрлик кўрсатинг.

## БОШОҚ.

Ҳафта бошларида оила аъзоларингиз ўртасида келишмовчиликлар келиб чиқиши мумкин. Уларни муросага келтиришга ҳаракат қилинг. Ҳали оила қурмаган бўлсангиз, бўлажак умр йўлдошингизни ота-онангизга ҳафтанинг иккинчи ярмида таништиринг. Бу давр танишувлар, кўнгилочар томошаларга бориш учун ҳам қулай. Билим олиш ҳам самарали кечади. Ажойиб одамлар билан мулоқотда бўласиз.

## ТАРОЗИ.

Дастлабки кунлар янги танишувлар, мулоқот учун ноқулай. Атрофингиздагиларга ўта талабчан бўлманг. Худбинлик қилманг. Акс ҳолда бошқаларни ранжитиб қўйишингиз мумкин. Бўлар-бўлмасга сиқилаверманг. Бунақада асабингизни чарчатиб қўясиз. «Торга тор дунё, кенгга кенг дунё» дейишади. Кенгроқ бўлинг. Ҳафтанинг ўрталарида ўзингизга ёққан нарсаларни харид қиласиз. Оила аъзоларингиз билан муносабатларингиз яхшиланади. Турар жойингизни таъмирлашга киришишингиз мумкин.

## ЧАЁН.

Эҳтиросларга берилувчансиз. Шунинг учун турли ўйинлардан узоқроқда юринг. Душанба, сешанба ва жумада совға-саломлар сотиб олмаганингиз маъқул. Чунки ортиқча харажатга тушишингиз мумкин. Ҳафтанинг ўрталарида хушмуомалалигингиз туфайли кўпчиликнинг ҳурматини қозонасиз. Қизиқарли одамлар билан танишасиз. Машҳурлигингиз ошади. Кўча-кўйда, ҳатто жамоат транспортида сизга эътибор бера бошлашлари мумкин.

## ЁЙ.

Ҳафта давомида қайсарликдан, шартакиликдан тийилинг. Акс ҳолда бегоналар тугул, ҳатто яқинларингизнинг ҳам кўнглига озор бериб қўйишингиз мумкин. Айнан қизиққонлигингиз мураккаб, ноқулай вазиятларга тушиб қолишингизга сабаб бўлади. Ҳафтанинг ўрталари анча осойишта ўтади. Хотиржам вазиятда якка ўзингиз дам олгингиз келиб қолади. Шундай қилсангиз, асабларингиз анча тинчланади.

## ТОҒ ЭЧКИСИ.

Нотаниш одамларга ортиқча ишонманг. Дуч келган кишилар билан танишиб кетаверманг. Ҳамиша ҳалол бўлинг. Шунда юзингиз ёруғ бўлади. Сизни ноқонуний фаолиятга жалб этишга уриниб кўришади. Оғзаки ваъдаларга ишонаверманг. Қўйнингизни пуч ёнғоққа тўлдирувчилар ҳам бор. Ҳафтанинг ўрталарида янги имкониятлар пайдо бўлади. Ғояларингизни дўстларингиз қўллаб-қувватлашади. Мулоқотлар мароқли ўтади.

## ҚОВҒА.

Ҳафтанинг бошида кўнгилхушликларга берилиб кетманг. Йўқса анча харажатга тушасиз. Душанба, сешанба кунлари қарз бермаганингиз ҳам, олмаганингиз ҳам маъқул. Қарздорларга бу ҳақда эслатиб ҳам ўтирманг, бекорга кайфиятингиз бузилади. Ҳафтанинг ўрталари кўнгилли ўтади. Чоршанба, пайшанба кунлари режаларингиз амалга ошади. Психология фанини ўрганиш, ўзингизни маънан такомиллаштириш учун қулай пайт келди.

## БАЛИҚ.

Ҳафта давомида мақсадингизга эришиш йўлида ҳар қандай тўсиқни енгиб ўта оласиз. Анчадан буён ўйлаб юрган режангиз амалга ошади. Натижада обрў-эътиборингиз ортади. Кун тартибидаги масалаларни тўғри, холис баҳолайсиз. Шунинг учун уларни муваффақиятли ҳал этиш осон кўчади. Дўстларингиз, яқинларингиз сизни тўғри тушунишади ва қўллаб-қувватлашади. Хизмат фаолиятингизда асқотадиган ахборотларга эга бўласиз.

# Дунёдан дараклар

## ТИНЧ АҲОЛИГА ҲУЖУМ УЮШТИРИЛДИ

Афғонистонда тинч аҳоли вакилларига ҳужум уюштирилди. Бу ҳақда «IANS» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Фарёб музофотида юз берган воқеа оқибатида беш киши ҳаётдан кўз юмган, тўрт нафари эса тан жароҳати олган. Мамлакатдаги халқаро хавфсизлик кучлари матбуот хизмати хабарига кўра, мазкур қабиҳликни ҳозирча бирор-бир гуруҳ ўз зиммасига олмаган.

## НОРОЗИЛИК НАМОЙИШЛАРИ

Италия парламенти томонидан ўқув муассасаларига ажратиладиган маблағларни қисқартиришга бағишланган қонун лойиҳасининг муҳокамаси мамлакат миқёсида талабаларнинг намойишларини келтириб чиқарди. Айниқса, Полермо, Генуя ва Милан шаҳарларида бўлиб ўтган норозилик чиқишларида шаҳар вокзали ва кўчалар бир неча соатга тўсиб қўйилган.



Талабалар қонун лойиҳаси парламент томонидан қабул қилинса бу ҳол таълим сифати пасайишига олиб келади, дея таъкидлашмоқда.

## ЖИНОИЙ ТЎДА ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Испания ҳуқуқ-тартибот идоралари мис ўғирлаш билан шуғулланиб келаётган йирик жиноий тўдани қўлга олиш бўйича махсус амалиёт ўтказди. 250 нафар қонун ҳимоячиси жалб этилган мазкур операция чоғида 36 нафар жиноятчи ушланди. Улардан 100 тоннадан ортиқ қимматбаҳо рангли металл ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Маълумот сифатида айтиб ўтамиз, ҳозир миснинг бир тоннаси 8966 АҚШ долларига етган. Ривожланаётган мамлакатлар ва Хитойда ушбу металлга талаб кескин ошиб бораётгани бунга сабаб бўлмоқда.

## МАХСУС ОПЕРАЦИЯ ЎТКАЗИЛДИ



«France – Presse» ахборот агентлиги хабарига кўра, Рио-де-Жанейро шаҳрининг жиноятчилик авж олган ҳудудларида гиёҳвандлик воситалари савдоси билан шуғулланиб келган жиноятчиларни қўлга олиш бўйича ўтказилган махсус операцияда 430 нафар полиция ходими ва ҳарбийлар иштирок этган. Операция чоғида жиноий тўданинг 30 нафар аъзоси йўқ қилинган.

Маълумотларда айтилишича, ушбу тадбир жиноятчилар тўлиқ қўлга олингунига қадар давом этади.

## ҚОНГА ҚАРАБ ЁШ АНИҚЛАНАДИ

Бир гуруҳ олимлар қон таҳлили орқали инсон неча ёшда эканлигини билиш усулини кашф қилишди. Бу борада Роттердам шаҳрида жойлашган Эразмус университети профессори Манфред Кайзер бошчилигида олиб борилган тадқиқот «Current Bioligy» илмий журналида нашр этилган.

Қон таҳлилини ўрганишда мутахассислар 200 нафар кўнгиллидан фойдаланишди. Мазкур кашфиёт асосан жиноят ишларини текширишда қўл келади.

**Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**

# АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!



**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги нашрлари «POSTDA», «НА ПОСТУ» газеталари ҳамда «QALQON», «ЩИТ» журналларига 2011 йилниг биринчи ярми учун ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА.**

**«POSTDA», «НА ПОСТУ» – 13700 сўм.**

**«QALQON», «ЩИТ» – 19900 сўм.**

Обунани уюшқоқлик билан ташкил этган энг фаол ҳамкорларимизни мукофотлар кутмоқда.

**ИНДЕКСЛАРИМИЗ:**

**«Postda» 180 (366)** **«На посту» 169 (367)**
**«Qalqon» 970 (1083)** **«Щит» 971 (1084)**

**Эслатма: банк пластик карточкалари орқали обуна бўлаётганлардан ўзларининг вилоят (шаҳар, туман) ва ички ишлар идораларининг қайси хизматидан эканлигини кўрсатиб қўйишларини сўраймиз.**

Вазирлик нашрлари ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат фаолиятларини ёритишда ва уларни халқ билан яқинлаштиришда катта аҳамият касб этмоқда. «Маърифат дарси» ва «Сиёсий-ижтимоий сабоқ» рукнларида чоп этилаётган мақолалар осойишталик посбонларининг касб маҳорати, ҳуқуқий ва маънавий савиясини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Муштарийларнинг таклиф-мулоҳазалари асосида газета-журналлар мазмундорлигини оширадиган янги рукнлар ташкил этилди. Нашрларимиздан ўрин оладиган жиноят қидирув хизмати воқеалари, терговчи қайдлари, суд очерклари ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотади, деб ўйлаймиз.

Нашрларимиз шунингдек, фарзандларингизни қонунга ҳурмат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳам муносиб ҳисса қўшади.

## *ҲУРМАТЛИ ФУҚАРОЛАР!*

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармасига ҳар қандай қонуи бузилиши ҳолатлари бўйича мурожаат этиш учун қуйидаги «Ишонч телефонлари» ўрнатилган:**

**291-68-95, 291-47-92**

**Ушбу телефонлар орқали қўнғироқ қилган шахслар тўғрисидаги маълумот сир сақланиши кафолатланади.**

ISSN 2010-5355

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MUASSIS: O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir **Zikrillo NE'MATOV**

Bosh muharrir o'rinbosari – **Qobiljon SHOKIROV**
Mas'ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**
Navbatchi – **Guli Nigor AVAZOVA**
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**
Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

**TELEFONLAR:** 231-30-40; 231-33-88;
**Faks:** 232-05-51.
**E-mail:** urmvd@inbox.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik Innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. INN 200637499.

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma №J-533. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 63668 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 22.00.

**MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.**